

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРОДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Кўлёзма хуқуқида

УДК 339.92(575.1/510)

**5А120301-тарих (мамлакатлар ва миintaқалар бўйича)
мутахассислиги битирувчи курс магистранти**

ШОДИЕВА ШАҲЛО СОЛИЕВНА

«Ўзбекистон-Хитой: ҳамкорликнинг истиқбол ва ютуқлари»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

**Тарих фанлари номзоди,
доцент М.Б. Қурбонова.**

Бухоро-2018 й

Диссертация Бухоро давлат университети

Тарих ва маданий мерос факультети

Тарих кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар

**Тарих фанлари номзоди,
доцент М.Б. Қурбонова**

Расмий оппонент

**Тарих фанлари доктори,
профессор Ш.А.Ҳайитов**

Расмий оппонент

**Тарих фанлари номзоди,
доцент Т.Т. Сафаров**

Кафедра мудири

**Тарих фанлари номзоди,
доцент К.Ж.Рахмонов**

Магистратура бўлими бошлиғи

**Иқтисод фанлари бўйича
фалсафа доктори (Phd)
О.С. Қаҳхоров**

Ўзбекистон-Хитой: ҳамкорликнинг истиқбол ва ютуқлари

Мундарижа

Кириш.....
I боб. Ўзбекистон–Хитойҳамкорликмуносабатларининг дастлабки босқичи.....
I.1. Ўзбекистон-Хитой дипломатик алоқаларининг хуқуқий асослари.....
I.2. Ўзбекистон-Хитой савдо-иқтисодий алоқалари соҳасида манфаатли ҳамкорлик
II боб. Ўзбекистон – Хитой: алоқалар ривожидаги янги давр
II.1. Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги ва унинг истиқболлари
II.2. Маданий-илмий ҳамкорлик тарихи: ечим ва муаммолар
III боб. Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)да минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлашдаги ҳамкорлиги
III.1.Шанхай ҳамкорлик ташкилотида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар
III.2. Ўзбекистон ва ШХТ: ҳамкорлик орқали хавфсизликсари
Хуроса
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
Иловалар

I боб. Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлик муносабатларининг дастлабки босқичи.

I.1. Ўзбекистон-Хитой дипломатик алоқаларининг ҳукуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, ҳукуқий-демократик давлат қуриш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиш, жаҳон бозорида юқори поғоналардан бирини эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Хитой Халқ Республикаси биринчилардан бўлиб, эндингина тетапоя бўлаётган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди. Ўртадаги дўстлик ва ҳамкорлик асосида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 3 январда XXРга қилган сафари чоғида сиёсий, савдо-сотик, иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатилди.

XX асрнинг 90 йилларида хорижий ва ўзбек оммавий ахборот воситаларида қайд этилишича, Ўзбекистон геосиёсий нуқтаи-назардан жаҳоннинг йирик давлатларини қизиқтира бошлади. Иккинчи томондан собиқ Шўро давлатининг инқирози натижасида, маълум “геосиёсий вакуум” да бўлган Ўзбекистон интенсив равишда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга киришди. Ташқи сиёсатнинг ривожи ўз-ўзидан иқтисодий, маданий, илмий, ҳарбий ҳамкорликни ҳам тақозо қиласди. Бу борада ўзбек-хитой муносабатлари алоҳида аҳамият касб этди. 1993 йил 4 март куни Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий журналистлар учун берилган матбуот конференциясида мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов, Ўзбекистон келгусида Хитой Халқ Республикаси билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга катта қизиқиш билдираётганлигини қайд этганди¹.

¹Қосимова Н. qalampir.uz/.../ozbekiston-va-hitoyning-25-yillik-diplomatik-muno...

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ республикаси ўртасидаги дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлар 1992 йил 7 январь кунидан вазирлар маҳкамаси раиси ўринбосари Б.С. Ҳамидов ва XXР ташки иқтисодий алоқа ва ташки савдо вазири Ли Ланьцин ўртасидаги битим имзоланиши билан бошланган дейишга тўла асослар етарли².

1992 йилнинг ўзидаёқ XXР билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида, илмий-техникавий, ахборот-коммуникация соҳаси, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш жами 50 дан зиёд соҳаларда ҳамкорлик қилишни кўзда тутган шартнома, битим, келишувлар имзолангандиги маълум³.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси хукумат делегацияси Хитой Халқ Республикасида 1992 йил 12-14 март кунлари қилинган расмий ташрифи чоғида қатор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома ва битимлар тузилганди. Президентимиз Хитойдан Ўзбекистонга қайтиб келганида бир гурух хукумат вакиллари билан биргаликда XXРнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Ли Че Жеэнъхуанинг ҳам борлиги

²Ўзбекистон Республикаси хукумати билан Хитой Халқ республикаси хукумати ўртасида савдо-иқтисодий битим//Халқ сўзи, № 5. (256). 1992 йил, 7 январь.

³ Ўзбекистон Республикаси хукумати билан Хитой Халқ Республикаси хукумати ўртасида “Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида” битим//Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 марта, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси кишлоқ ҳўжалик вазирлклари ўртасида ўзаро ҳамкорлик” хақида битим//Халқ сўзи №54 (305) 1992 йил, 20 марта, “Ўзбекистон Республикаси ва XXР хукуматлари ўртасида автомобил ва сув транспорти соҳаларида ўзаро ҳамкорлик” тўғрисидаги музокаралар протоколи//Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил, 13 марта, “Ўзбекистон республикаси фуқаро авиацияси бошқармаси билан Хитой Халқ Республикаси фуқаро авиацияси бошқармаси ўртасидаги музокаралар протоколи”//Халқ сўзи №54 (305), 1992 йил, 13 марта, “Ўзбекистон Республикаси хукумати билан Хитой Халқ Республикаси хукумати ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича хукуматлараро Ўзбек-Хитой комиссиясини тузиш” тўғрисида битим//Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил, 20 марта, “Ўзбекистон республикаси хукумати билан Хитой Халқ Республикаси хукумати ўртасида темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида” протокол // Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил, 20 марта, “Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирилиги ва Хитой Халқ Республикаси ташки ишлар вазирилиги ўртасида консультациялар ўтказиш тўғрисида” протокол// Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил 20 марта, “Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой банки ўртасида битим” //Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 марта., “Ўзбекистон Республикаси хукумати билан Хитой Халқ Республикаси хукумати ўртасидаги маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўхрисида”//Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 марта., “Ўзбекистон Республикаси хукумати билан Хитой Халқ Республикаси хукумати ўртасидаги Хитойдан Ўзбекистонга товарлар етказиб бериш юзасидан давлат кредити тўғрисида” битим //Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 марта., “Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги-УзА билан Хитой Халқ Республикасининг Синъхуа давлат ахборот агентлиги ўртасида ахборотлар айрбошлиш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисида” протокол//Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 марта.

ўзаро муносабатларимизнинг янги босқичга кўтарилаётганлигининг далили сифатида қарала бошланди.

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида шу кунлар давомида 15 та муҳим хужжат имзоланди. Республикамиз делегацияси олий даражада музокаралар олиб борган, ушбу сафар чогида XXР ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичга кўтариленганинг муҳим омили сифатида оммавий ахборот воситалари томонидан баҳоланганд⁴.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик 1992 йил баҳоридаёқ бошланган бўлиб, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан XXРнинг Шинжон-Уйғур муҳтор ҳудудининг Қишлоқ хўжалик Фанлар академияси ва унинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмгоҳи ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида бир гуруҳ хитойлик мутахассислар Ўзбекистонга ташриф буюрганлар. Хитойлик мутахассислар Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти, илмий ва амалий ишлари билан яқиндан танишиб, мазкур академиянинг илмий ютуқларини Хитойнинг Шинжон-уйғур муҳтор ҳудудида қўллаб кўриш истагини билдирганлар. Делегацияга илмий ишларни қишлоқ хўжалигига жорий қилиш бўлимининг мудири Илҳом Собиров бошчилик қилган.

Хитойликлар Чиноз туманидаги Охунбоев номли жамоа хўжалигига плёнка остида чигит экиш усули билан танишиб, пахта териш машиналари, чанглатгич-пуркагичлар ва бошқа қурилмалар билан қизиққанлар ва бу уларда катта таассурот қолдирган. Хитой делегацияси шунингдек, Тошкент трактор заводи, Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш бирлашмаларига бориб, мазкур корхоналар ишли ва хизматчиларининг иш ҳамда турмуш шароити, тайёрланаётган маҳсулотни кўздан кечирганлар. Икки ўртада тузилган

⁴XXРга ташриф муваффақиятли бўлди://Халқ сўзи №51 (302), 1992 йил, 17 март.

шартномага кўра, ўзбек олимлари ҳам баҳор фаслида Хитойга бориб, сафар чоғида Шимолий Хитой шароитида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш технологиясини, механизация воситаларини, жажжи тракторлардан фойдаланиш тажрибасини ўрганиб қайтиб келганликлари билан боғлиқ маълумотлар даврий матбуот саҳифаларидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин⁵.

Хитойнинг Ўрта Осиё ва Қозогистон билан савдо-иктисодий муносабатлари тарихини ўрганган айрим олимларнинг маълумотларига қараганда, Хитой Ўрта Осиё минтақасига 1990 йилларнинг бошида алоҳида қизиқиши билан қараган. Жумладан, Ўзбекистон ва унинг минтақадаги ўрнига Хитой давлати алоҳида эътибор билан қараган. Бу биринчи навбатда Хитойнинг энергия хавфсизлиги масаласи сифатида баҳоланган. Чунки 1990 йилларда Хитой энергия истеъмоли бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб қолганди дейилади⁶.

1990 йилларда Хитойнинг энергетика сиёсати “Чегарадан чиқиши” даражасига бориб етганди. СССРнинг парчаланиши ва Марказий Осиёда мустакил давлатларнинг ташкил топиши Хитойни зарурӣ энергия билан таъминлашда муҳим омил сифатида қаралди. 1997 йил XXР давлат кенгashi раҳбари Ли Пэн ўзининг “Хитойнинг энергия сиёсати ресурслари” мақоласида Марказий Осиё XXРнинг энергия хавфсизлиги гарови эканлиги таъкидлаб ўтилган. Қозогистон уран ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда туради. Шунингдек, Ўзбекистон ҳам уран қазиб олиш ва уни Хитойга экспорт қилишда Қозогистондан кейинги ўринни эгаллайди⁷.

Ўтган асрнинг 90 йилларида XXР Ўрта Осиё минтақаси давлатлари билан эҳтиёткорона ва асосан иқтисодий муносабатлар чегарасида алоқалар олиб борганлигини кузатишимиш мумкин. Ҳатто, 90 йилларнинг охирида ҳам

⁵Ўзбекистон-Хитой: ўзаро алоқалар ривожланмокда. //Халқ сўзи №71 (322), 1992 йил, 14 апрель.

⁶“Современные торгово-экономические отношения КНР с центральноазиатскими странами-членами ШОС” Научная библиотека диссертаций и авторефератов disserCat <http://www.dissercat.com/content/sovremennoye-torgovo-ekonomicheskie-otnosheniya-knr-s-tsentralnoaziatskimi-stranami-chlenami-#ixzz51Erdggjl>

⁷<https://cyberleninka.ru/.../dissertations-issledovaniya-po-tsentrall...>

бу тенденция давом этганлигини кўриш мумкин. 1997 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган XXРнинг Хунъянъ ўлкаси халқ ҳукумати раиси ўринбосари Чень Бин Фань бошчилигидаги делегациянинг асосий мақсади бир вақтлар XXР корхоналари билан ҳамкорлик қилган Навоийазот корхонаси билан ўзаро муносабатларни тиклашга қаратилганди. Асосий учрашув ва келишувлар Навоий вилоят ҳокимлигига ташкил этилган ва уни вилоят ҳокими Абдуҳолик Ҳайдаркулов олиб борган. Музокаралардан асосий мақсад минерал ўғитлар масалалари хусусида бўлиб, шунга мувофиқ Навоийазот корхонаси раҳбари Ўзбекистон халқ депутати В. Крупин мутахассис сифатида иштирок этади. Ушбу учрашув ҳақида матбуаотда эҳтиросли қуидаги фактлар эълон қилинган эди: “Хуллас, Навоий ва Хитой ўртасидаги масофалар қисқарадиган, тўсиқлар олиб ташланадиган бўлди. Тўрт кунлик мулоқотдан сўнг Навоий вилояти ва Хунъянъ провинцияси ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланган”⁸.

1990 йиллардан ҳозирги вақтгача ўзаро муносабатлар даврини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси Ипак йўлини тиклаш дастури даври ва унинг бир қадар паст даражадаги ёки дастлабки алоқалар ўрнатиш даври дейин мумкин. Бу 2003 йилларга қадар давом этди. Бу даврда Хитойнинг асосий вазифаси минтақада стабил сиёсий жараёнларни таъминлаш эди. 16 июнь 2001 йилда Шанхайда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Ўзбекистон республикаси бу ташкилотга аъзо сифатида қабул қилинди. Ўзаро ҳамкорликнинг кейинги босқичи 2005 йил майидан сўнг бошланганлиги маълум⁹.

Дипломатик муносабатлар доирасидаги ҳамкорликлар 90 йилларнинг охиридан бошланган. “Халқ сўзи” матбуот органи маълумотларининг бирида: “10 июнь қуни Тошкентдаги (Интерконтинентал) меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов мамлакатимизга

⁸Хитойликлар ташрифи://Халқ сўзи №140 (391), 1997 йил, 22 июль.

⁹<https://cyberleninka.ru/.../dissertationnye-issledovaniya-po-tsentral...>

расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Цичен бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг жўғрофий жиҳатдан яқинлиги қадимдан бу икки мамлакатнинг турли соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириб келишига сабаб бўлган. Бугунги кунга келиб бу муносабатлар тенг ҳамкорлик асосида янгича босқичда янада изчил давом этмоқда. Учрашувда Хитойлик нуфузли делегациянинг Ўзбекистонга ташриф буюриши мазкур давлатнинг мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрлигидан далолат эканлиги таъкидланди. Бу алоқаларни тараққий эттиришда Европадан Шарқий Осиёга йўл айнан Ўрта Осиёдан ўтганлиги катта ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Учрашув сўнггида Хитой томонидан Ўзбекистонга беғараз ёрдам сифатида 5 миллион юан ажратиш тўғрисидаги хукуматлараро хужжат имзоланди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Фаниев иштирок этди. Учрашувда Хитойнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Цзинсян ҳозир бўлди”-деган жумлаларни ўқишининг ўзи юқоридаги фикримизга ёрқин мисол бўла олади¹⁰.

Янги минг йиллик бошларида хитойлик ишбилармонлар тобора кўпроқ Ўзбекистон бозорига кириб кела бошладилар. Жумладан, Тошкент метрополитенининг тўртинчи линиясини қуриб ишга туширишда хитойлик сармоядорларнинг ҳам ўрни алоҳида аҳамиятли бўлди. лойиҳада Тошкент метрополитенининг навбатдаги тўртинчи йўналиши “Собир Раҳимов” метро бекатини Сирғали тумани билан боғловчи бу йўналиш 9,3 километрлик масофани ташкил этиб, олтита бекатдан иборатлиги қўзда тутилган. Лойиҳалар “Тошкентметролойиҳа” институти меъморлари томонидан яратилган бўлиб, уни бунёд этишда инвестицион компаниялар ҳам қатнашиш истагини билдирганлар. Хитой Халқ Республикасининг “СИТИС”

¹⁰Хитойлик меҳмонлар ташрифи.1999 йил 2 июнь.

компанияси бу хайрли ишга биринчилардан бўлиб қўшилган. Шу мақсадда Хитойнинг ушбу компанияси алоҳида делегация ташкил этиб, “Тошшаҳарийўловчitrans” давлат уюшмаси раҳбарияти билан музокаралар олиб борган. Шу мулоқотлар чоғида Хитой томони метро қурилиши учун зарур бўлган турли механизмлар, автоматик тизимлар билан бир қаторда 40 та вагон юборишни ўз зиммасига олган. Ажратиладиган Хитой молия сармоясининг умумий микдори 200 млн доллар миқдорида бўлиб, ўн йил муддатда ушбу кредит ажратилиши кўзда тутилганди¹¹.

Дастлабки алоқаларнинг барча соҳалари бўлгани каби ҳар икки мамлакатнинг касаба уюшмалари ўртасида ҳам алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб борди. Касаба уюшмалари вакиллари бир неча маротаба делегациялар алмашинганлиги тўғрисида даврий матбуот хабарлари орқали гувоҳ бўлиш мумкин. Ана шундай хабарлардан бирида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Ушбу дўстлик ташрифи доирасида меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбарияти билан учрашди. Учрашувда икки давлат касаба уюшмаларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда истиқболдаги режаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Айни чоғда Ўзбекистон ва Хитойда меҳнаткашлар ҳақ-хукуқи ва ижтимоий ҳимояси борасида қилинаётган ишлар тўғрисида мулоқот бўлди. 1992 йили Ўзбекистон ва Хитой касаба уюшмалари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган. Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида мустаҳкам дўстона алоқалар йўлга қўйилди. Бир-бирининг фаолияти билан яқиндан танишиш, тажриба алмасиши мақсадида икки мамлакат касаба уюшмалари ўзаро ташрифлар уюштириб турибди. Делегация аъзолари шу куни юртимиз касаба уюшмалари фаоллари билан ҳам учрашди. Бу учрашувда ҳам ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар борасида фикр алмашилди”¹².

¹¹Хитойликлар метро қурилишида://Халқ сўзи №256 (2553), 2000 йил, 20 декабрь.

¹²Хитой делегациясини ташрифи//Халқ сўзи №98 (2660)2001 йил,19 май.

Сиёсий таҳлилчилардан Е.В. Савкович фикрича, Хитойнинг Ўрта Осиё минтақасидаги роли 1990 йиллар давомида иқтисодий муносабатлар доирасидаги Ўзбекистон билан ҳамкорлиги секин асталик билан дипломатик муносабатлар чегарасига қадар ўсиб борган. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда сиёсий муносабатларда 2001 йил Афғонистондаги антитеррор ҳаракатлари бошланиши даврида Хитой таъсири бир қадар пасайганди. Хитой таъсирининг навбатдаги кўтарилиши 2005 йилларга тўғри келади¹³.

Хитойнинг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида таъсирининг ошишига ҳатто, АҚШ ҳукумати доирасида АҚШ манфаатларига жиддий хавф, деб қараганлар. Жумладан, 1999 йил АҚШ Конгрессида сенатор Сэм Браунбак “Ипак йўли стратегияси ҳақида акт” мавзуидаги маъruzасида Хитойнинг Каспий денгизи ҳавзаси ва Ўрта Осиёда таъсири масалалари муҳокама қилинган ва бу ҳаракатлар АҚШ манфаатларига қарши деб баҳоланган. Ўз навбатида АҚШнинг 2001 йил 11 сентябрда терроризмга қарши кураши баҳонасида Афғонистон ҳудудига қўшин киритиши XXР томонидан Хитой атрофини АҚШ ҳарбий баъзалари билан ўраб олиниши сифатида баҳоланди¹⁴.

Маълумки, 2003 йилдан буён ҳар ойда нашр этиладиган “Lookwe” журнали Хитойнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодиёт, савдо, маданият, сармоялар ва сайёхлик соҳаларидаги ҳамкорлигига оид хабар-мақолаларни муштариyllар эътиборига ҳавола қиласи. Хитойда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар, бизнес уюшмалари ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳукумат муассасалари мазкур нашрнинг доимий ўқувчилари саналади. Ушбу журналнинг қўплаб сонларида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва дипломатик алоқаларнинг таҳлили келтирилган¹⁵.

¹³Савкович Е.В.автореферат диссертации по истории, специальность ВАК РФ 07.00.03 диссертация на тему: Политика Китая в Центральной Азии (1992-2012 гг).Cheloveknauka.com/politika-kitaya-v-tsentralnoy-azii

¹⁴<https://cyberleninka.ru/.../dissertatsionnye-issledovaniya-po-tsentral...>

¹⁵xs.uz/.../2324-lookwe-журнали-ўзбекистон—хитой-муносабат...

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов 2001 йил 11 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Ланьцин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилган чоғида, Ўзбекистон-Хитой дипломатик муносабатлари хусусида қўйидагиларни айтган эди: “Ўзбекистоннинг Хитой билан ўзаро муносабатларига 1992 йилда асос солинган, шу кунгача бу соҳада 50 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган, айни вактда шерикликда савдо-сотик, фантехника каби соҳаларда сезиларли ютуклар қўлга киритилаётган бўлса-да, эришилган даражада тўхтаб қолмай, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш зарур. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида турли тоифадаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам амалга оширилиб турилмоқда, икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш зарур”¹⁶.

Собиқ СССР парчалангандан сўнг Бутун дунёда бўлгани сингари марказий Осиё минтақасида ҳам геосиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларда янги тизим юзага кела бошлади. Хитой 1990 йиллар бошларида иқтисодий тараққиёт масаласида тез ривожланиб бориб, дунёning энергия истеъмол қилувчи давлатлари орасида АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиши ва ўзининг иқтисодий энергия хавфсизлигини таъминлаш мақсадида нефт ва газ захираларига бой бўлган Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон орқали иқтисодий тараққиётини таъминлашга, ушбу минтақа бозорини эгаллашга уринади. Ўзбекистон-Хитой дипломатик алоқалари тизимида 90 йилларнинг тавсифи нуқтаи – назаридан қарайдиган бўлсак, биринчи галда нефть, газ, геологик изланишлардаги ҳамкорлик асосий ўринда турганлигини кўришимиз мумкин. Иккинчи томондан, Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги Буюк ипак йўли ва уни қайта тиклаш йўналишидан бориб, савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўзагини ташкил этди.

¹⁶Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи №72 (2634)2001 йил, 12 апрель.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг 1992-2003 йилги биринчи босқичдаги муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари ўзаро ҳамкорликнинг синаш босқичи эди дейиш мумкин.

I.2. Ўзбекистон-Хитой савдо-иқтисодий алоқалари соҳасида манфаатли ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳуқукий асослари 90 йиллар бошларида яратилди. Ҳар икки мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг ташрифлари чоғида савдо-сотик, пул-кредит, товар айрбошлиш, юк ташиш ва транзит савдо хусусидаги битим ва шартномалар имзоланди. Қисқа вақт ичida Хитойнинг Ўзбекистонда 70 дан зиёд корхоналари фаолият кўрсата бошлади. Бу кўрсаткичга 1994 йилдаёқ эришилган бўлиб, ташкил этилган корхоналарнинг асосий қисми ишлаб чиқариш соҳаларига тегишли бўлганлиги диққатга сазовордир. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг саноат тараққиётига маълум даражада хисса қўшиб, хитойлик ишбилармонлар билан ташкил этилган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам ички бозор ва ташқи бозорда харидоргирлиги билан ажралиб, Ўзбекистон валюта тушумига ўзига хос ўринни эгаллай бошлаганлиги ўша давр матбуотини бефарқ қолдирмаган. Матбуот хабарларига кўра, ўз навбатида Хитой ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкори деб билган. Ўзбекистондан Хитойга 90-йиллар бошларида асосан пахта, қимматбаҳо метал, ҳамда кимёвий ўғитлар экспорт қилинганлиги матбуот хабарларида ўз аксини топган¹⁷.

“Халқ сўзи” газетасининг 1994 йилги 75-сонида бу фактларга янада ойдинлик киритилиб, “Шу кеча кундузда Ўзбекистон ҳудудида 71 та ўзбек-

¹⁷Исмат Худоёр Мамлакатингизни Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкоримиз деб хисоблаймиз (XXРнинг Ўзбекистондаги элчиси Гуань Хэнъгуань билан сұхбат)//Халқ сўзи, №75 (823) 1994 йил, 16 апрель.

хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатаяпди. Уларнинг 65 % халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқармоқда. Қолган 35% эса, савдо ва хизмат кўрсатишга ихтинослашган. Тошкентда 5 та Хитой компаниясининг ваколатхонаси очилган. “Ташинтерм” бирлашмаси ишлаб чиқараётган кўркам термослар халқимизга айниқса, манзур бўлмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон билан Хитой ўртасида маҳсулот айрибошлиш жами 70 млн АҚШ доллардан ошиб кетган. Биз Хитойга кимёвий ўғитлар, пахта, пахта чиқиндиси, машинасозлик ускуналари, метал етказиб бераётган бўлсак, Хитойдан Республикализга озиқ-овқат, кимёвий маҳсулотлар халқ истеъмол моллари келтирилмоқда. 1992 йили Хитой Халқ Республикаси томонидан ажратилган кредитга Республикализга кўп микдорда гуруч ва чой келтирилди. Ўзаро келишувга мувофиқ Хитойга “Ил-76” самолётлари етказиб берилди”-деган хабарни ўқиши мумкин¹⁸.

Статистик маълумотларга қараганда Ўзбекистон-Хитой савдо айланмаси 1994 йилда 70 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўзаро ҳамкорликнинг манфаатли савдо айланмаси йил сайин ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, 2012 йилда савдо айланмаси 3,4 млрд АҚШ долларидан ошган. 2013 йил якунларига кўра бу кўрсаткич, 4,5 млрд доллар ҳисобланган¹⁹.

Савдо-иктисодий алоқаларнинг ривожланишига эса, 90 йиллар бошларида ушбу соҳаларнинг яратилган хуқукий асослари кафолот бўлиб хизмат қилганлигини кўриш мумкин. 1992 йилдаёқ тузилган Ўзбекистон Республикаси ташки иктисодий фаолият ва Миллий банки билан Хитой банки ўртасидаги савдо-иктисодий ва кредит бериш каби масалаларда тузилган битимни ҳам бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Битимнинг учинчи ва тўртинчи моддаларида Ўзбекистондаги ишбилармонларга, Хитой ва Ўзбек қўшма корхоналарига, Ўзбекистон Республикасининг

¹⁸ Каримов А. Ҳам азалий, ҳам абадий//Халқ сўзи, №75 (823) 1994 йил, 16 апрель.

¹⁹ Умаров И. Ўзбекистон-тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакат. (элчи Сунъ Лицзе билан сухбат) //Халқ сўзи, № 52 (5982) 2014 йил, 14 март.

ривожланаётган соҳаларига кредит бериш тартиблари келтирилган бўлиб, ушбу моддаларни тўлиқ келтириб ўтишни лозим деб ҳисобладик.

3-модда. томонлар умумқабул қилган халқаро амалиётга биноан Ўзбек-Хитой лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон томонга кредитлар бериш масалаларини қараб чиқадилар. Берилажак кредитлар махсус битимларда қайд қилинади.

4-модда. Ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлиги кенгайиб борган сари томонлар ўзларининг ваколатли органлари билан келишиб олганларидан кейин Тошкентда ва Пекинда ёки Ўзбекистон ва Хитойнинг бошқа шаҳарларида банкларнинг филиалларини ёки бўлимларини очиш масалаларини кўриб чиқадилар²⁰.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларнинг хуқуқий пойдевори 1992 йилда барпо этилган. Шу йили 25 март куни имзоланган Хитойдан Ўзбекистонга товарлар етказиб бериш юзасидан давлат кредити бериш тўғрисидаги битимга мувофиқ, ХХР хукумати Ўзбекистон тараққиёти учун катта ивестиция киритиши кўзда тутилган. Битимда Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан олинган кредитнинг умумий суммасидан 1993 йилда 33%, 1994 йилда 33%, 1995 йилда 34% тўлаши кўзда тутилган. Шунингдек, кредит суммасини фоизлари кредитдан фойдаланиш бошланган кундан ҳисоблай бошланиши, фоизларни асосий қарзни тўлаш муддати тугаши билан тўлаб бўлиниши, кредитнинг тегишли қисмидан фойдаланиш куни, шунингдек, кредитни узиш куни етказиб берувчи мамлакатнинг чегара темир йўл станциясининг коносаменти, штампелидаги кун ёки бошқа тегишли хужжатдаги кун ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси Хитойга кредит ва унинг фоизлари эвазига товарлар ҳам етказиб бериши мумкинлиги, аммо, бу

²⁰ Ўзекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолият ва миллий банки билан Хитой банки ўртасида битим//Халқ сўзи, № 57 (308) 1992 йил, 25 март.

товарларни етказиб бериш муддатидан уч ой олдин ўзаро келишиб олиниши лозимлиги билан боғлиқ шартлар асосида тузилганди²¹.

Ушбу битимдан бир оз олдинроқ, яъни 1992 йил 7 январда имзоланган савдо-иктисодий битимнинг 5-моддасида Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўзаро савдо алоқаларида товарлар нархини жаҳон бозоридаги жорий нархларга асосланиб белгилаб олишлари келтириб ўтилган. Шунингдек, товар маҳсулотларини айрбошлашда ушбу мамлакатларнинг ҳар бирида валюта ишларини тартибга солиш соҳасида амал қилувчи қонун асосида Ўзбекистон ва Хитой келишиб олишган, икки томон ҳам эркин алмаштира оладиган валютада амалга оширилиши лозим деб топилган. Бундан ташқари ўзаро ҳисоб-китобнинг бошқа шакллари, яъни товар, кредит ва бошқа шакллари ҳам ўзаро келишилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин²².

Авиация, савдо-иктисодий, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл бўйича битимлар 1992 йил 20 март куни имзоланган эди. Савдо-иктисодий алоқаларнинг муҳим тармоғи ҳисобланган алоқа, коммуникация соҳаси келажакдаги иқтисодий алоқаларнинг пойдевори эди. Хитой билан Ўзбекистон бевосита чегарадош эмас. Денгиз йўли билан ҳам боғланиш имкони анча қийин кечади. Асосий савдо-иктисодий алоқалар темир йўл, авиация ва автомобил йўллари орқали транзит ҳолатда олиб борилади. Шу сабабли, 1992 йилдаёқ бу соҳаларда қатор битимлар тузилди. Энг самарадор транспорт бу темир йўл бўлиб, ушбу транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимнинг тўртинчи ва бешинчи бандлари айниқса муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

4-бандда томонлар халқаро йўл алоқаларига таалуқли темир йўлларларда ҳамкорлик қилиш ташкилоти доирасида “Халқаро юқ ташиш алоқалари тўғрисидаги” битим, “Халқаро йўловчилар ташиш алоқалари

²¹ Ўзбекистон республикаси ҳукумати билан XXР ҳукумати ўртасида Хитойдан Ўзбекистонга товарлар етказиб берш юзасидан давлат кредити тўғрисида битим//Халқ сўзи, № 57 (308) 1992 йил, 25 март.

²² Ўзбекитон Республикаси ҳукумати билан XXР ҳукумати ўртасида савдо-иктисодий битм//Халқ сўзи, № 5 (256) 1992 йил, 7 январь.

ҳақида” битим ва бошқа битимлар асосида йўловчилар ва юк ташишни фаол ривожлантиришга келишдилар.

5-бандда томонлар Ўзбекистон ва Хитойнинг транзит юкларини учинчи давлатларга ёки туманларга ташиш ва хужжатлаштириш, ҳамда, учинчи давлатлардан ва туманлардан икки давлатнинг темир йўл орқали транзит юкларини ташишда халқаро юк ташишни амалга ошириш ва шундай ҳуқуқка эга бўлган икки давлатнинг юк ташувчи ташкилотларига тенг ва ўзаро фойдали шароитлар яратишга келишдилар²³ –деган жумлаларни “Халқ сўзи” газетасининг 54-сонида ўқиши мумкин.

XXРнинг ҳукумат раиси Ли Пэннинг 1992 йил март ойида Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи чоғида ҳам ушбу соҳалардаги ҳамкорлик кўриб чиқилган бўлиб, икки мамлакат қўп томонлама битимларни ишлаб чиқиш мақсадида авиация, темир йўл ва автомобильда юк ташиш имкониятларини кенгайтириш масалаларини доимий равища маслаҳатлашиб туришга келишиб олинганлиги ҳақида 54-сондаги “Халқ сўзи” газетасида алоҳида йирик мақола чоп этилгани, иқтисодий муносабатларда ушбу транспорт турлари фаолиятини тартибга солиш нечоғли мухим масала эканлиги таъкидланиб ўтилганлигини билиб олишимиз мумкин²⁴.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида транспорт йўлагини доимий ишлаб туриши, йўловчилар, юк ташиш имкониятларини яхшилаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Ҳар икки мамлакат ўзаро транспорт алоқасининг узвий бўлишини ўzlари учун манфаатли эканлигини эътироф этгандилар. 1994 йилдаёқ бу борада улкан ишлар амалга оширилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Ўзавтотранс” акционерлик корпорацияси ҳамда XXР автомобил транспорти вазирлиги томонидан барпо этилган “Ўзавтотранс”

²³ Ўзбекистон республикаси ҳукумати билан XXР ҳукумати ўртасида темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида протокол//Халқ сўзи, № 54 (305) 1992 йил, 20 март.

²⁴ XXР давлат кенгаши раҳбари Ли Пэннинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунлари тўғрисида//Халқ сўзи, № 54 (305) 1992 йил, 20 март.

қўшма корхонаси бу борадаги дастлабки ижобий қадам эди десак, муболага бўймайди. Бу корхонанинг ишга тушиши билан Тошкент-Хорлос-Ғулжа маршрути бўйлаб йўловчилар ва юк ташиш масалалари узил-кесил ҳал этилганди деб хабар беради “Халқ сўзи” газетаси²⁵.

Хитой дунёда энг тез ривожланиб бораётан давлат бўлиб, 1,5 млрдга яқин аҳолисини боқиш билан бир қаторда четга озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиши, Ўзбекистон раҳбарияти Хитой билан қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур деб билди. Шу боис XXR ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирликлари 1992 йилнинг март ойидаёқ ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзолаган эдилар. Даврий матбуотда битим шартлари келтирилган бўлиб, жумладан, “...Ишлаб чиқарилган толага сертификат бериш ва Ўзбек ва Хитой пахталарининг жаҳон бозорида рақобат қобилиятини оширишнинг биргаликдаги муштарақ тадбирларини бажариш;

- пахта толасини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни ташкил қилиш ва чиқиндилардан ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги Хитой тажрибасини ўрганиш хақида келишиб олдилар...²⁶”- деган шартлар мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин.

Хитой томондан собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг бир пайтлар мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларни тиклаш, шунингдек, Ўзбекистондаги тадбиркорлик муҳити ва савдо-иқтисодий имкониятлардан фойдаланиб қолиш мақсадида 90 йилларнинг бошларида кўплаб Хитой компаниялари, ишビルармон доиралари Ўзбекистоннинг турли худудлари, ишлаб чиқариш корхоналарига кела бошладилар. Ана шулардан бири XXRнинг Хунъянь ўлкаси ҳалқ ҳукумати раиси ўриносари Чэнь Бин Фань бошчиигидаги делегатция бўлиб, улар Навоий вилоятига 1992 йилда келиб, “Навоийазот” корхонаси билан турли шартномалар, жумладан, Хитойга минерал ўғитлар

²⁵ Каримов А. Ҳам азалий, ҳам абадий//Халқ сўзи, №75 (823) 1994 йил, 16 апрель.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси ва XXR қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик хақида битим//Халқ сўзи, № 54 (305) 1992 йил, 20 март.

етказиб бериш түғрисида шартномалар имзолашни таклиф этадилар. Хитой вакиллари түрт кун Навоий вилоятида бўлиб, ҳокимликда ўзаро учрашувларда бўлгани, уларни вилоят ҳокими Абдухолик Айдаркулов самимий табриклагани, қизғин муроқотларда “Навоийазот” бирлашмасидаги кохонаси бош директори В.Крупин “Биз азалдан хитойликлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатганмиз. Түғри, ҳозир СССР йўқ, аммо, кучли ва мустақил республика мавжуд”-деганлиги, ҳар икки мамлакат ўртасида тўсиқлар олиб ташлангани, масофалар қисқарганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни матбуот саҳифаларидағи хабар ва мақолалардан ўқиб олиш мумкин²⁷.

Қадим-қадимдан Хитой ипак етиштириш, турли матолар ишлаб чиқаришда донғи кетган мамлакат бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида ҳам матоларнинг турли-туман турлари яратилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “Зандан”, “Вадори” матоларининг донғи узоқ мамлакатларга қадар етиб борганди. Ўзбекистон-Хитой икки текстил саноати ривожланган ва кенг имкониятларга эга бўлган мамлакатлар бу соҳада ўзаро ҳамкорликни Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ бошлагандилар. Ҳозирда қатор шаҳарларимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорлиқда пахта, ипак матолари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб турибди. 90 йилларнинг бошида эса, бу катта тарихий воқейлик бўлиб ҳисобланган. Айниқса, 1994 йилда Хитой билан ҳамкорлиқда Хоразмда иш бошлаган Помбархат, вилор ишлаб чиқарадиган текстил корхонаси ана шулар жумласидан бўлиб ҳисобланади. Статистик маълумотларга қараганда 1992 йилнинг бошларида бу корхонани қуриш учун 1 млрд, 200 млн сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Февраль ойида чоп этилган матбуот органи маълумотларига қараганда бу корхона 1992 йилнинг май ойи бошларида тўла қувват билан ишлаши лозимлиги келтириб ўтилган. Тўкув, йигирув дастгоҳлари Хитойдан келтирилиб, иш самарадорлиги, қувват ва меҳнат сарфини бир неча марта

²⁷ Мардиев М. Хитойликлар ташрифи//Халқ сўзи, № 140 (391) 1992 йил, 22 июль.

камайтириши ва фойданинг бир неча марта ортиши билан боғлиқ маълумотларни ўқиш мумкин²⁸.

Ўзбекистон Республикасида тез ривожланаётган Хитойнинг иқтисодий, савдо кўрсаткичлари ва унинг сабабларини ўрганишга, унинг тажрибаларини халқимиз орасига тарғиб этишда матбуотнинг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хитой иқтисодиётида экспортнинг катта қисмини ўрта ва кичик бизнес корхоналари ташкил этиши, бундай хўжалик юритувчи корхоналар “Якка хўжалик-савдо саноат корхоналари” ва “Хусусий корхоналар” деб юритилиши, ушбу корхоналарнинг бир-биридан фарқи ва хусусиятлари хусусидаги маълумотлар ва хабарлар даврий матбуотда қўплаб учрайди. “Якка хўжалик-савдо саноат корхоналари” ҳақида “Халқ сўзи” газетасининг 1998 йилги 150 сонида, уларнинг ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиши, улар асосан турли тайёр молларни сотадиган дўкончалар, озиқ-овқат, шириналик, нон-қандолат маҳсулотлари каби егуликлар пишириб сотадиган дўконлар, ошхона ва ресторонлар, рўзғор учун зарур бўлган турли буюмлар ясад сотадиган устахоналар ҳам Хитойда якка хўжалик турига кириши, Хусусий корхоналар фаолияти бир қадар давлат томонидан чекланган бўлиб, фақат ишлаб чиқариш билан шуғуллана олишлари, давлат уларнинг айримларигагина ўзларининг маҳсулотларини сотиш имконини бергани, бошқалари эса, ўз дўконлари орқали маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бера олишлари, яъни якка хўжалик дўконлари хизматидан фойдаланишга мажбур эканлиги, айрим ҳолларда улар ўз маҳсулотларини ҳукумат корхоналарига ҳам сотиши, хусусий корхоналар маҳсулотни экспорт қилишда ҳам ана шу ишга мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиши, ушбу амалиётни Ўзбекистон шароитига мослаштирган ҳолда қабул қилиш ҳақида қизиқарли мақола ва хабарларни қўплаб учратиш мумкин²⁹.

²⁸Собирв А. Хоразм-Хитой помбархати ватани//Халқ сўзи, № 33 (781) 1994 йил, 16 фераль.

²⁹Хитойда якка хўжалик ва хусусий корхоналар//Халқ сўзи, №150 (1931) 1998 йил, 29 июль.

Мақолаларда Хитойда кичик ва майда корхоналарни ташкил этиш, улардаги ишчилар сони, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, аҳолиси сони бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган мамлакат учун 700 киши ишлайдиган корхоналарнинг кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналар сирасига кириши, бундай корхоналар озиқ-овқат, сервисдан тортиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришгacha бўлган соҳаларни қамраб олганлиги Хитойда кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишга рухсат берилганига 20 йилдан ошганлиги, ушбу корхоналарнинг ишлаш тартиби таҳлил қилиниб, Хитойдаги ушбу тизимдан ўrnak олишга чақирилган³⁰.

Хитой иқтисодиёти таҳлил қилинган мақолаларнинг бирида, “Очиқ эшиклар сиёсатининг қўп босқичли, қўп табақали эканлигини расмий тарзда ҳамда икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларнинг қарор топаётганлиги бежиз эмас. Чунки, биз бозор муносабатларига ўтиш даврида бу тажрибадан ижобий фойдалансак зиён қилмаймиз. Бир сўз билан айтганда, буюк қўшнимиз Хитой билан ҳар томонлама манфаатли иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш дўст мамлакатлар алоқаларини янада мустаҳкамлайди”³¹-деб Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини мустаҳкамлашга чақирилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Хитой билан иқтисодий алоқаларнинг мазмун-моҳияти Буюк Ипак йўли ва уни тиклаш дастурларида янада яққол намоён бўлди. Халқаро майдонда Буюк Ипак йўлинни тиклаш, ёки унинг замонавий кўринишларидан бўлган ТРАСЕКА лойиҳасининг пайдо бўлиши Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайиб боришига хизмат қилди. ТРАСЕКА лойиҳаси асосида қурилган Тошкент-Андижон-Ўш-Қошғар транспорт йўлаги Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитойни транспорт коммуникациялари билан

³⁰ Абдулаҳад Жўраев. Хитойдаги ўрта ва майда корхоналар //Халқ сўзи, №95 (1876) 1998 йил, 13 май.

³¹ Жалолиддин Сафо. Хитой: очик эшиклар сиёсати туфайли //Халқ сўзи, № 124 (629) 1999 йил, 29 июнь.

боғлабгина қолмай, тарихан шаклланган Буюк Ипак йўлиниң ҳам узвий бир қисми ҳисобланди³².

2000 йиллар атрофида Ўзбекистондаги барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт Хитой томонидан Ўзбекистонга бўлган ишончнинг ортиши ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ташаббусини юзага келтирганди. Шу сабабли 2001 йилги ҳар икки мамлакат ҳукумати раҳбарлари ўртасида ўзаро келишувга эришилиб, Хитой ҳукумати Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига катта-катта сармоялар жалб эта бошлади. 2001 йилда Хитой томони, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга фоизсиз кредит бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига ХХР ҳукумати томонидан 5 млн Юань ҳажмда беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳужжатларни имзолаган. Бу эса, икки мамлакатнинг тарих синовларидан ўзаро ҳамкорлиги мувоффақиятли ўтиб, ўзаро ишонч ва teng шерикчилик анъаналари шаклланганлигини кўрсатади³³. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларидағи завод ва фабрикалар Хитой ўлкалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Урганч мовут-газлама фабрикаси, “Навоийазот” заводи дастлабки, биринчилардан бўлиб Хитой билан ҳамкорликни бошлаган корхоналар эдилар³⁴.

Хитой ва Ўзбекистон ўзаро иқтисодий алоқаларини яхшилаш мақсадида бир неча бор ярмаркалар ташкил этганликларини ўша давр матбуотларидағи хабар ва мақолаларда кўплаб учратиш мумкин. Хитойда ўтказилган “Ўзбекистон ярмаркаси” хақида, матбуотда қуйидагича маълумотлар келтирилиб ўтилади: “2000 йилнинг 4 августида Пекинда “Ўзбек ярмаркаси” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси очилиш маросими бўлиб ўтганди. Мазкур корхона икки давлат ўртасидаги, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, шу орқали Буюк Ипак йўлини тиклаш

³² Президент И.А. Каримовнинг Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишлиланган халқаро анжуманда сўзлаган нутки//Халқ сўзи, №183 (1964) 1998 йил, 10 сентябрь.

³³ Ҳужжатлар имзоланди. //Халқ сўзи, №72 (2634) 2001 йил, 12 апрель

³⁴ Шодиева Ш. Ўзбекистон ва Хитой ўзоро ҳамкорлиги инсон манбаатлари йўлида. Тарихий хотира – маънавият асоси. Бухоро 2017 й. –Б 94-97.

мақсадида ташкил этилган. Мазкур қўшма корхона Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Хитой бозоридаги улгуржи, ярмарка ва кимошли савдолари, бу борада ахборот ва маркетинг каби хизматларни кенг йўлга кўйиш, реклама-ахборот, аукцион ва кўргазмалар ташкил этиш билан шугулланади. Унинг низомий жамғармаси 500 минг АҚШ долларига тенг. Шундан 255 минги (51%) ўзбекистонлик таъсисчиларга тегишли. Қайт этиш керакки, Ўзбекистон томонидан қатор корхона ва ташкилотлар, жумладан, Республика товар-хомашё биржаси, “Ўзавтосаноат”, “Ўзкимё саноат”, “Ўзбек ипаги” уюшмалари ҳамда, “Алгоритм” ҳиссадорлик жамияти, Хитой томонидан эса, “Шенли групп” компанияси ва “Чайна текст” экспорт-импорт коорпоратцияси қўшма корхона таъсисчиси ҳисобланади. Хитой бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортиб борганлиги қайд этилган. Жумладан, хитойлик тадбиркорлар ипак, пахта, шунингдек, кимёвий маҳсулотларга катта қизиқиш билан қараганлар. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати ва харидорбоплиги хусусида матбуот ушбу товарларнинг тобора Хитой бозорида мустаҳкам ўрин олиб бораётганлиги каби фикрлар орқали исботлашга уринган³⁵.

Хитойлик ҳамкорлар билан 2000 йилда бошланган метро қурилиши, бу мураккаб инженерлик ва технологик жараёнларни қамраб оладиган иншоотни барпо этишга Хитой томонининг катта мабағ сарфлаши, ўзаро ҳамкорликнинг манфаатли бўлиб, ўзаро ишонч ортганидан далолат беради. Тошкент метрополитенининг навбатдаги тўртинчи йўналишини барпо этишда хитойликлар билан Олмазор (аввалги Собир Раҳимов) метро бекатини Сирғали тумани билан боғловчи йўналиш ишга туширилишига келишиб олинади. Йўналиш 9,3 кмли масофани ташкил этиб, 6 та бекатдан иборат. Лойиҳалар “Тошкент-метролойиҳа” институти меъморлари томонидан ишлаб чиқилган. XXРнинг “CITIC” компанияси бу ишга моддий ёрдам кўрсатган бўлиб, Хитой томонидан метро қурилиши учун зарур бўлган турли механизмлар, автоматик тизимлар билан бир қаторда 40 та вагон

³⁵ Хитойда “Ўзбек ярмаркаси”. //Халқ сўзи, №257 (2554) 2000 йил, 21 декабрь.

юборилган. 10 йил муддатда ХХР компанияси 200 млн АҚШ доллары миқдорида кредит ажратиши пойтахтимизда алоқа йўлларини яхшилаш имконини яратган³⁶.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги савдо-иктисодий муносабатларнинг дастлабки даври бўлмиш 1991-2000 йиллар оралиғида ҳар икки мамлакат бир-бири билан танишуви, иқтисодий ва савдо муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиши, маҳсулот айрбошлиш, инвестициялар киритиш, шунингдек, ўзаро ишонч каби муносабатларнинг шаклланиш жараёни бўлди. Аста-секинлик билан турли ижтимоий-иктисодий муносабатларда ўзаро teng, манфаатли ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб борганлигини тарихий далиллар ва рақамлар орқали исботлаш мумкин. Хитой Ўзбекистонда ўз инвестицияларини киритиш, орқали иқтисодиёт учун бозор кенгликларини очган бўлса, Ўзбекистон Хитой тимсолида ривожланишнинг ишончли ҳамкори эканлигига ишонч ҳосил қилди.

³⁶ Хитойликлар метро курилишида //Халқ сўзи, №256 (2553) 2000 йил, 20 декабрь.

II боб. Ўзбекистон – Хитой: алоқалар ривожидаги янги давр

II.1. Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги ва унинг истиқболлари

Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг 2016 йил 19-20 августъ кунлари Хитойда ташрифи масаласида Lookwe журналида; “Ўзбекистон ва Хитой ҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч, тенглик, манфаатлар муштараклиги, кенг қамровлилик ҳамда тажриба алмашиш, ҳамкорлик ва уйғун муваффақият тамойиллари билан изоҳланадиган “Буюк Ипак йўлининг руҳи”ни мерос қилиб олганига шубҳа йўқ. “Улар икки давлат халқлари фаровонлигини мустаҳкамлаш йўлида Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг баланд дарахти янада гуллаб-яшнаши, янада мўл ҳосил бериши учун бундан кейин ҳам уни авайлаб парваришлайдилар³⁷”- деган мазмунда истиқболдаги ҳамкорлик масалалар атрофлича очиб берилади.

Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Хитойга 2017 йил 11 май кунги ташрифи давомида келажақдаги истиқболлар келишиб олинган бўлиб, унинг ҳуқуқий пойдеворини 2005 йилда имзоланган “Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисида”ги шартнома, 2010 йилдаги “Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида”ги қўшма декларация, 2012 йилдаги “Стратегик

³⁷xs.uz/.../2324-lookwe-журнали-ўзбекистон—хитой-муносабат...

шериклик ўрнатиш тўғрисида”ги Кўшма декларация, 2013 йилдаги “Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чукурлашириш ва ривожлантириш ҳақида”ги Кўшма декларация, 2014-2018 йилларга мўлжалланган “Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури” ҳамда 2016 йилда имзоланган Кўшма баёнот ташкил этганлиги ахборот манбасида қайд этилади³⁸.

2011 йилнинг октябрь ойида Пекинда Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Қўмита доирасида савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий ҳамкорликкаби қўмиталар унинг таркиби га кирган бўлиб, улар Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ҳамкорликнинг истиқболлари га оид масалаларни муҳокама қилиши келтириб ўтилган. Қўмитанинг фаолияти даврий матбуот ва интернет тармоқларида доимий равишда эълон қилиб борилмоқда³⁹. Шунингдек, Хитой Ўзбекистон иқтисодиётiga энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда бугунги кунда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания вакорхонафаолияткўрсатмоқда. Ўтганийлар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётiga қарори б 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритганлар.

2016 йилякунлариб ўйича ўзаросавдоайланмасиҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил қилди. XXР Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ишларида фаол иштирок этаётган мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади. XXРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқалар самараси ўлароқ юқори технология талаб қилинадиган тармоқларни ривожлантиришга катта миқдорда инвестиция киритилмоқда. Айниқса, Нефть-газ, телекоммуникация тармоқларида, транспорт, тўқимачилик, кимё саноати йўналишларда

³⁸[uzakz.ru/.../zbekiston-khitoy-strategik-sheriklik-va-d-stlik-munosabat...](http://www.uzakz.ru/.../zbekiston-khitoy-strategik-sheriklik-va-d-stlik-munosabat...)

³⁹[uzakz.ru/.../zbekiston-khitoi-strategik-amkorlikning-yangi-uflari-09....](http://www.uzakz.ru/.../zbekiston-khitoi-strategik-amkorlikning-yangi-uflari-09....)

ҳамкорлик кучайиб бормоқда. Кейинги йилларда Хитойлик ишбилармонлар билан Дехқонобод қалийли ўғитлар, Қўнғирот сода заводлари қурилиш амалга оширилди. ХХР кўмагида электр техникаси маҳсулотлари, мобиль телефонлар, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш, “Huawei” компанияси томонидан телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 та лойиҳа амалга оширилди. ZTE корпорацияси билан ҳамкорликда чиқарилаётган модем, смартфон ҳамда бошқа ускуналарга ички ва хориж бозорларида талаб юқори⁴⁰. Истиқболда ушбу соҳаларда янада қўплаб лойиҳаларни амалга ошириш дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг барча тўрт тармоғи Ўзбекистон худудидан ўтган. ХХР Миллий нефть-газ корпорацияси мамлакатимизда истиқболли углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол қатнашмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Хитой томони ушбу иқтисодий муносабатларга алоҳида эътибор қаратиб, ўзининг иқтисодий ва сиёсий кудратини келажакда Ўрта Осиё минтақасидаги давлатлар билан биргаликда ривожланиш орқали амалга оширишни мўлжаллаган деган фикрларнинтернет манбаси келтириб ўтади⁴¹.

2005 йил май ойида Ўзбекнефтгаз ва ХХМНК (Хитой халқ миллий нефт компанияси) ҳамкорликда УзСНРС Петролеум компаниясини таъсис этадилар. Унинг таъсис маблағи 96 млн доллар миқдорида бўлиб, бу компания геологик разведка ишлари ва Ўзбекистон худудидаги нефть кудуқларини биргаликда ўзлаштиришда иштирок этиши лозим эди. Компаниянинг асосан Бухоро ва Хива ҳудудлари, шунингдек Устюрт минтақасида нефть-газ қидирув ишлари ва уларни қайта ишлашни ташкил этиши кўзда тутилган. Ўшанда компания обьектлари сифатида 23 та жойда геологик разведка ишлари олиб бориши кўзда тутилганди. УзСНРС

⁴⁰uza.uz/.../zbekiston-khitoy-strategik-sheriklik-va-d-stlik-munosabat...

⁴¹uza.uz/.../zbekiston-khitoy-strategik-sheriklik-va-d-stlik-munosabat...

Петролеум дастлаб йилига 1 млн тонна нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқариши қўзда тутилганди. Хитой компаниялари томонидан 25 йил мобайнида 600 млн доллар инвестиция киритиши қўзда тутилган. Шу йили Хитой халқ миллий нефт компанияси, Ўзбекнефтгаз, Лукойл, Малайзиянинг Petronas компанияси ва корейсларнинг KNOC компанияси Ўзбекистон худудига киравчи Орол денгизи акваториясида нефт ва газ қидирув, қазув ва қайта ишлашга мослашган консорциумга бирлашадилар⁴².

2007 йил апрель ойида Ўзбекнефтегаз ва XXМНК Мингбулоқ худудида нефть конларини биргаликда ўзлаштириш тўғрисида келишувга имзо чекадилар. 2008 йил май ойида эса, келишувга биноан ОАО Андижоннефть ва XXМНК ҳамкорлиқда Мингбулоқнефть ОАЖ (150 минг долларлик бошлангич капитал қийматга эга бўлиб, беш йил давомида 3 млн доллар капиталга эга бўлиши режалаштирилганди) ташкил этилади. 2007 йил апрелида Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари 530 кмли 30 млрд метр куб кувватга эга газопровод қуришга келишиб оладилар. Бу туркман газининг Ўзбекистон худудидан ўтадиган қисми бўлиб, транзит газ қувури эди. Ўзбекистон худудидан ўтадиган газ кувирининг оператори ўзбек-хитой қўшма корхонаси Asia Trans Gas ОАЖ бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ишларини Хитойнинг China Petroleum Pipeline Bureau (CPP) ва China Petroleum Engineering & Construction Corporation (CPECC), шунингдек, Швейцариянинг Zeramax GmbH компанияси кабилар биргаликда амалга ошириши келишиб олинган⁴³.

2011 йилда CGNPC Uranium Resources компанияси ва УзбекистонГоскомгео компаниялари Марказий Қизилқумдаги Бўзтов худудидан Уран ва радиоактив моддаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш тўғрисида келишув имзолайдилар. Унга кўра, 2011-2013 йилларда Хитой компанияси уран ва ванадийни қазиб олиб ишлов бериши режалаштирилади. Бу эса, келажакда Хитойнинг ғарбий минтақаларидағи энергетика

⁴²http://www.ng.ru/economics/2010-03-04/4_pekin.html

⁴³ <http://www2.asiaplus.tj/news/16/21205.html>

танқислиги масаласини Ўзбекистон ёрдамида ечишшини ҳам англатарди⁴⁴. Ўзбекистон эса, ушбу режадан етарли миқдорда даромад олиши кўзда тутилган. Шунингдек, кўплаб янги иш ўринларига ҳам асос солинади.

Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўсиб бориш динамикасига қарайдиган бўлсак, икки мамлакат ўртасида ўрнатилган алоқаларнинг 20 йиллиги арафасида, яъни 2011 йилда товар айрбошлишнинг 4 млрд доллардан ошганлиги, дипломатик алоқалар ўрнатилган даврдан бошлаб 50 баробар кўп инвестиция киритилганлиги. Ҳамкорликнинг 20 йиллиги арафасида қўшма корхоналар сони 400 дан ошиб кетган. 2015 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айрбошлишни 5 млрд доллардан ошиши кузатилганлиги билан боғлиқ маълумотларни “Халқ сўзи” газетаси сахифаларида келтирилган хабар ва мақолаларда ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин⁴⁵.

Иқтисодий алоқаларнинг ўзига хос йўналишларидан бири бу электр энергияси соҳасидаги ҳамкорлик бўлиб, Шу вақтгача бу борада ХХР ва ўзбекистон ўртасида қатор лойиҳалар амалгаоширилган. Ана шундай лойиҳалардан бири Тошкетда ташкил этилган “Elektr quvvat qurilmalari” қўшма корхонаси бўлиб, ушбу корхонанинг таъсисчилари “Электротаъмир” ОАЖ, “Elektr hisoblagich” ва Хитойнинг “Holley Metelig Limited” корхоналари бўлиб, корхона биринчи босқичда 0,4 кВ кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқарган. бу ерда йилиги 100 минг дона трансформатор ишлаб чиқарилган, маҳсулотнинг 30 фоизи қисми маҳаллий хом ашёлардан бўлганлиги диққатга сазовордир. 2013-2014 йиллардан бошлаб эса, 10 кВ кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқарила бошланган⁴⁶.

⁴⁴ <http://www.dw-world.de/dw/article/0,,5789918,00.html>

⁴⁵ Раҳматов Ў, Дюгай П. Ўзбекистон-ХХР: Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугуни ва келажаги буюkdir.// Халқ сўзи № 85. (5505), 2012 йил, 2 май.

⁴⁶ Раҳмонов С., Пайдоев X. Ҳамкорликнинг амалий натижалари//Халқ сўзи № 124 (5544) 2012 йил, 26 июнь.

Хитойлик ишбилармонлар билан электр энергияси соҳасидаги ҳамкорлик аслида 2005 йилдаёқ бошланган бўлиб, ўшанда “Elektron hisoblagich” қўшма корхонаси ишга туширилган. Унинг таъсисчилари эса, “Ўзбекэнерго” давлат акционерлик жамияти, “Uzenergosotish” шўба корхонаси ва Хитойнинг “Hangzhou zhongya technology Co.LTD” компаниялари бўлган. Ушбу корхона 2005 йилда ишга тушиб йил охиригача 150 минг дона электр қуввати ҳисоблагичларини етказиб берган. Кейинги йилларда корхона тўлиқ ишга тушиб, маҳсулоти сони 450 минг донага етказиши режалаштирилган. Келгусида кўрилган вазифлардан бири бу корхона маҳсулотларини камида 50 фоизини маҳаллий хом-ашёлардан олишни режалаштириш кўзда тутилганлигига оид маълумотларни учратишимиз мумкин⁴⁷.

Электр энергияси соҳасидаги икки давлат ўртасидаги қўшма лойиҳаларга оид маълумотларни яна кўплаб келтириб ўтишиимиз мумкин. Жумладан, XXРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси чжан Сяо “Халқ сўзи” газетаси муҳбирларига жавоб қатарар экан; XXР ва Ўзбекистон ўртасида 400 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритаётгани, 2011 йилда 4 млрд доллар миқдорида инвестиция киритилгани, шунингдек, энергетика соҳасида Хитой корхоналари ва инвестрлари томонидан Оҳангарон ва Андижон-2 ГЭСларини модернизация қилиш, Тўқимачи-Оҳангарон темир йўлини электрлаштиришда иштирок этганлигини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади⁴⁸.

2013 йил 8-10 сентябр кунлари XXР расиси Си Цзиньпиннинг давлат ташрифи бўлиб ўтди. Унда, икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган бўлиб, XXР давлат раҳбарининг бешта таклифи илгари сурилган. Биринчидан, ҳар икки томон 2017 йилгача ўзаро товар айланмаси ҳажмини 5 млрд долларгacha ошириши, яқин ватқ

⁴⁷Раҳматов Л. Истиқболли қўшма корхона//Халқ сўзи № 101 (3646) 2005 йил, 25 май.

⁴⁸ Раҳматов Ў., Дюгай П. Ўзбекистон-XXР: Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугуни ва келажаги буюkdir// Халқ сўзи № 85. (5505), 2012 йил, 2 май.

ишида эркин иқтисодий зоналар яратиш ва улар чегарасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш; иккинчидан, Энергетика соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, Ўзбекистон-Хитой ўртасида газ кувурларини узоқ вақт ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, сланец ўзлаштирилишида, қайта тикланадиган энергия манбаларида ҳамкорликни кенгайтириш; учинчидан, икки мамлакат ўртасида инфратузилмаларни, жумладан транспорт йўлагини очиш, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон давлатлари ўртасида темир йўл ва транспорт йўлагини имкон қадар тезроқ очилишини таъминлаш масаласи, тўртинчидан, маҳсус саноат тумани, намунали аграр комплексни барпо этиш, илмий техникавий ҳамкорликни мустаҳкамланиши, бешинчидан, ҳар икки давлат ўртасида маданий гуманитар саоҳалардаги ҳамкорлик, биродарлашган шаҳар ва вилоятлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш каби таклиф ва мулоҳазалар келтирилган⁴⁹.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш, ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб ва стратеги йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. бу Хитойнинг Марказий Осиё ва ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Мазкур йўналиш “Ангрен-Поп” темир йўли қурилиши билан амалга ошириш мумкин эди. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциадорлик компанияси ва хитойнинг “China Railwae Tunnel Group” компанияси ўртасида Қамчиқ довонидан тунел орқали ўтадиган “Ангрен-Поп” темир йўлинин қуриш бўйича 455 млн долларлик шартнома имзоланган. Хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойида йўл қурилиши бошланиб кетади⁵⁰.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тоза ичимлик сувлари танқисли боис кўпгина касалликлар келиб чиқади. Ҳатто, бугунги

⁴⁹ Хитой оммавий ахборот воситалари XXP Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи тўғрисида//Халқ сўзи. № 181 (5855), 2013 йил, 13 сентябрь.

⁵⁰ Ўзбекистон ва хитой ўзаро манбаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда//Халқ сўзи № 98 (6028), 2014 йил, 21 май.

кунда ҳам Республикаизда тоза ичимлик суви муаммолар орасида анчагина салмоққа эгалиги сир эмас. Фарғона шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси узоқ вақт ҳал этилмаган масала бўлиб, 2005 йилгача кўриб чиқилган лойиҳалардан Шоҳимардон сувларини олиб келиш, Сўх дарёси сувидан фойдаланиш масалалари қўшни Қирғизистон ҳудудидан қувур ва каналларни олиб ўтиш лозимлиги сабабли ечимини топа олмаган. 2005 йилда Хитой ишбилармонлари билан умумий қиймати 62 млн доллар бўлган Андижон вилоятида жойлашган “Кампиробод” сув омборидан Фарғонагача 76 кмли сув қувири келтириш режаси амалга оширилади. бунда Хитой компаниялари умумий маблағнинг 40 млн долларини кредит эвазига беришлари ва уч йил мобайнида ушбу лойиҳа амалга оширилиши мумкинлиги хусусидаги хабар ва мақолалар оммавий ахборот воситаларида келтириб ўтилади⁵¹.

Ўзбекистон-ХХР ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда икки давлат ўртасида ташкил этилган бизнес форуми мухим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда биргина 2007 йил 9 июлида ушбу форум томонидан ўтказилган кўргазмада Хитойнинг 20 га яқин фирма ва компания вакиллари иштирок этган. Хусусан, “Hangzhou Textile Machinery” (ипакни қайта ишлаш ускуналари)“Jiangsu Huangpu Investment (Group)” сармоя компанияси “Jiangsu Changfa Industrial Group” (қишлоқ хўжалиги техникиси, двигателлар, совутиш қурилмалари), “Zhejiang Senken Industrial Stock”(автомобил савдоси), “Jiangsu Yueda Yancheng Tractor Manufacturing”(трактор ишлаб чиқариш) каби компаниялар Ўзбекистон бозорида ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида экаглигини таъкидлади⁵².

2017 йилда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг ХХРга расмий ташрифи чоғида, музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин

⁵¹ Набижон Собир. ХХР сармояси ҳисобига: Фарғона шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда тоза сув муаммоси ҳал қилинади.//Халқ сўзи, № 100 (36450, 2005 йил, 26 май.

⁵² Умарова И. Ўзбекистон-хитой бизнес форуми//Халқ сўзи № 133 (4286), 2007 йил, 10 июль.

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Кўшма баёнотни имзоладилар. Баёнотда, Ҳукуматлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, ҳалқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга доир лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро ноталар алмашинуви ҳамда ветеринария ва ўсимликлар инспекцияси карантини соҳасида Англашув меморандуми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича Англашув меморандуми, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган идоралараро алмашинув ҳамкорлик режаси каби қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди⁵³.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11-13 май кунлари Хитойда давлат ташрифи билан бўлган вақтда икки мамлакат ўртасидаги истиқболли режалар кўриб чиқилади. Шу билан бир қаторда президент 14-15 май кунилари Пекинда бўлиб ўтадиган “Битта белбоғ-битта йўл” ҳалқаро форумида иштирок этди. Олиб борилган музокараларда бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо айланмаси 4 млрд доллар микдорига тенглиги келтириб ўтилиб, келажакда икки мамлакат ўзаро савдо ҳажмини 20 млрд долларга еткизиш масалалари кўриб чиқилган⁵⁴. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенг кўламда амалга оширилишини англатади. Шунингдек, янги-янги соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши режалаштирилганди.

Шу вақтгача бўлган ўзаро ҳамкорликни таҳлил қиласиган бўлсак, 1992 йилдан 2017 йилгача Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида 20 дан ортиқ турли йўналишдаги 130 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланганди. Улар икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иктисодий алоқаларнинг ҳуқуқий асосини

⁵³ <http://sputniknews-uz.com/society/20170512/5394483/ozbekiston-xitoy-muzokaralari.html>

⁵⁴ <http://sputniknews-uz.com/infographics/20170512/5387097/Ozbekiston-va-Xitoyning-siyosiy-savdomunosabatlari.html>

ташкил эта олди. Уларнинг энг асосийси қуидагилар деб келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

- Техник-иктисодий хамкорлик ва божхона ишлари бўйича келишув;
- Икки давлат ташқи ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик;
- Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги ва Хитойнинг ривожланиш ва ислоҳот ишлари бўйича Давлат қумитаси ўртасида хамкорлик тўғрисида келишув;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги фан ва технологиялар Маркази ва Хитойнинг фан ва техника Вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги борасидаги юқори технологиялар ва инновациялар бўйича ўзбек-хитой илмий-кўргазмали Марказни ташкил этиш тўғрисидаги баённома;
- Икки мамлакат Адлия вазирликлари ўртасида суд экспертизаси соҳасида хамкорлик;
- Алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Хитойнинг ахборот индустрияси вазирлиги ўртасида ўзаро хамкорлик шартномаси;
- Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалари агентлиги ва Хитой савдо вазирлиги ўртасида ўзаро манфаатли айрбошлаш тўғрисидаги меморандум;
- Молия вазирликлари ўртасидаги хамкорлик тўғрисидаги меморандум;
- Ўзбекистон Давлат телерадиокампанияси ва Хитойнинг радиоэшиттиришлар, кинематография ва телевидение ишлари бўйича Бош бошқармаси ўртасидаги шартнома;
- “Ўзбектуранизм” миллий агентлиги ва XXР миллий туристик маъмурияти ўртасида шартнома;

-Ўзбекистон савдо-сотиқ палатаси ва Хитой халқаро савдо палатаси ўртасидаги шартнома;

- “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси ва Хитой нефтигаз миллий корпорацияси ўртасида Ўзбекистон худудида геологик текширув ишларини олиб бориш ва янги нефт қазилмаларини топиш, “ЎзСНРС Петролеум” қўшмакорхонасини ташкил этиш тўғрисида шартнома;

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Хитой миллатлараро Марказий университети ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва хоказо⁵⁵. Икки мамлакат ҳамкорликнинг истиқболларида бир қатор яқин келажакда амалга оширилган лойиҳаларнинг ўрни бекиёс аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Жумладан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки кредитлари эвазига Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 дан ортиқ мақсадли лойиҳалар амалга оширилди. Транспорт соҳасида ҳам ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Хитойдан темир йўл орқали Европа давлатларига мол ташиш мамлакатимиз худуди орқали олиб борилмоқда. Биргина “Навоий” интермодал логистика маркази орқали 2015 йили 1,8 минг тонна юк ташилган.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги дўстона алоқалар нафақат кенгайди, балки янада мустаҳкамланди ҳам. Буни биз бугунги кунда онлайн нашрлар сахифаларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 2016 йил 21 июнь куни ХХР Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган эди. Бу ҳақда uza.uz сайтида маълумот берилиб, унда 2016 йилга қадар Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан эканлиги қайд этилган. Маколада; “Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этган. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ва

⁵⁵qalampir.uz/.../ozbekiston-va-hitoyning-25-yillik-diplomatik-muno...

кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат парки – “Жиззах” махсус индустрисал зонаси бунинг ёрқин намунасиdir. Сирдарё вилоятида филиали бўлган ушбу индустрисал зонада мобиль телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хитойнинг “Поли Текноложи” компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда⁵⁶ ”-деган жумлаларни ўқиш мумкин.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг кўлами кенглиги ва унинг истиқболдаги муаммо ва ечимлари хусусида айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон ва XXP ўртасида савдо айланмаси йил сайин кўпайиб бормоқда, Шунингдек, икки мамлакат ўртасида энергетика, нефт-газ қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш, экспорт қилиш, тоғ-кон ишлари, радиоактив металларни излаб топиш ва қайта ишлаш, энергетика соҳаси, қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларни етиштириш, хом-ашёни қайта ишлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа қатор соҳалардаги қўшма корхоналар ва инвестицион лойиҳалар кўпайиб икки ўртадаги иқтисодий муносабатлар ривожланиб бормоқда. Келажакда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида транспорт-комуникациялари, автомобиль, темир йўл ва ҳаво йиллари каби воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилинаётгани ўзаро манфатли алоқаларни янада ривожланишига замин ҳозирламоқда деб айтишга барча асосларимиз етарли деб ҳисоблаймиз.

⁵⁶ Ўзбекистон–Хитой: ҳамкорликнингянгибосқичи - хартомонламастратегикшериклик. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-khitoy-amkorlikning-yangi-bos-ichi-ar-tomonlama-st-22-06-2016>

II.2.Маданий-илмий ҳамкорлик тарихи: ечим ва муаммолар

Ўзбекистон-Хитой билан қадим-қадим замонлардаёқ маданий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келган. Икки мамлакат ўртасида олиб борилган алоқаларда буюк ипак йўли ва унинг аҳамияти беқиёс бўлиб хизмат қиласи. Айниқса, қадимда ипак, чой, чинни, қоғоз буюмлар Хитойдан келтирилган бўлса, юртимиздан зираоворлар, турли шифобахш гиёҳлар, отлар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб кетилган. Маданият соҳасида илк ўрта асрларда Кеш, Тошкент, Тохаристон ҳудудидан Хитойга борган ашулачилар, ракқослар кўп бора тилга олиниб, уларнинг санъатига қойил қолинганлиги билан боғлиқ маълумотлар Хитой тарихий адабиётларида келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Миллий мустақиллик шароитида маданий алоқаларимиз янгича аҳамият касб этиб, икки мамлакат халқлари маданиятини тарғиб этиш, ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қила бошлади. Маданий муносабатларнинг давоми ва янги босқичи сифатида Ўзбекистонда Хитой кунлари, фестиваллари, туризим имкониятларини намойиш килиш, кинофестивалларнинг ўтказилиши, рассомларнинг кўргазмалари ўз навбатда Хитойда Ўзбекистонни намойиш этувчи шу турдаги ишларнинг амалга оширилиши деб ҳисоблаш мумкин.

2003 йилда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган олтинчи жаҳон ҳайкалтарошлари форумида буюк миниатюрачи Камолиддин Беҳзод ҳайкали очилиши ҳам юқоридаги фикрларимизни асослашга хизмат қиласди⁵⁷.

2004 йил 11-15 июнь кунлари Юртимизда Хитой маданияти кунлари ўтказилиши режалаштирилганлиги ва уни ўтказилиш режалари билан боғлиқ маълумотлар келтирилиб, хитойлик санъаткорларнинг “Шарқ тароналари” фестивалида мунтазам ижро этишларидан ташқари, кун дастурига “Гуан чжоу” цирки намойишлари, бадий академияда Хитой рассомлари кўргазмаси очилиши, хитойлик санъаткорларнинг консерваторияда концертлар бериши, “Ўзбеккино” Миллий агентлигига хитой киноси қунлари ташкил этилиши, меҳмонлар Самарқанд шаҳрида жойлашган Ҳамид Олимжон театрида концертлар бериши мўлжалланганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Меҳмонларни маданият марказлари, бой тарихимизни намойиш этувчи музейларга саёҳат қилдириш, ижодий учрашувлар уюштириш ҳам мўлжалланган⁵⁸. Бу эса икки ҳалқ ўртасида маданий яқинликни янада таъминлашга хизмат қиласди. Шунингдек, мақола муаллифи Н.Усмонова Хитойлик ижодий жамоалар Самарқанд шаҳрида ҳам ўз намойишларини қўйганликлари, вилоятнинг Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театри улар ихтиёрига берилгани, меҳмонлар бошқа театрлар, маданият масканлари, мезейлар, тарихий қадамжоларга ташриф буюрганликлари, самарқандликлар билан ижодий учрашувлар ўтказганликлари хусусида тўлқинланиб ёзганлигини ўқиши мумкин⁵⁹.

2004 йилда эса, Ўзбекистон Хитой маданияти кунлари “Туркистон” санъат саройида ўтказилиб, унда Пекиндаги “Тяньди” театри артистларининг кўргазмали чиқишлини намойиш этилган. матбуот органи бу театр тўғрисида маълумот бераб, уни Пекинга келадиган сайёҳларнинг севимли маскани эканлигини таъкидлайди. Бу театр артистлари Ўзбекистонлик мухлисларига,

⁵⁷uz.uz/.../zbekiston-khitoi-strategik-amkorlikning-yangi-uflari-09....

⁵⁸Усмонова Н. Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари:// Ҳалқ сўзи. 118 (3393) – сон, 2004 йил, 4 июнь.

⁵⁹Усмонова Н. Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари:// Ҳалқ сўзи. 118 (3393) – сон, 2004 йил, 4 июнь.

“Пиёдалар билан ўйин”, “Халқалар орасидан сакраш”, “Бамбук ғалтак”, “Тик ёғочга кўтарилиш” кабиларни намойиш этишган. Ушбу маданият кунлари XXРнинг раҳбари Ху Цзиннъяонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи вақтида амалга оширилганлиги, иккинчи кун ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқишилари билан давом этганлиги, тадбирда Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев, XXР элчиси Гао Юйшэнъ иштирокида ўтганлиги даврий матбуот сахифаларида келтириб ўтилади⁶⁰. Маданийҳамкорлик эса, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг гарови бўлиб хизмат қилганлигига йиғилганлар яна бир бор гувоҳ бўлдилар.

Ўзбекистон ва Хитойнинг маданий муносабатлари ўтган йиллар давомида изчил ривожланганлигини турли манбаларда учратишимиз мумкин. маданият, санъат, спорт, илмий соҳаларидағи муносабатлар йил сайин кенг кўлам ва аҳамият касб этиб борган. Хусусан, Хитойда Ўзбекистонни ўрганиш институти, Алишер Навоий ва Бобур ҳайкаллари ўрнатилган. Ҳар икки давлатда доимий равища маданияти кунлари ўtkазиб келинмоқда. Шунингдек, Самарқанд ва Тошкентда шаҳарларида Конфуций институтлари очилганлиги юқоридаги фикрларимизни асослайди⁶¹. Бу икки ҳалқни тарихий-маданий муносабатлари, ўзаро қадими маданий ва иқтисодий алоқаларни ўрганиш ва таҳлил этишда катта аҳамиятга эга бўлган жараён бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризим ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида доимий равища ижодий жамоаларнинг дўст мамлакатга ташрифлари бўлиб турган. Шунингдек, маданий жиҳатдан бизга яқин бўлган Шинжон уйғур муҳтор районида ўзбек санъаткорларнинг бўлиши, хитойлик санъаткорларнинг юртимизда бўлиши

⁶⁰Ҳайратлар намойиши//Халқ сўзи. 125 (3400) 2004 йил, 15 июнь.

⁶¹<http://sputniknews-uz.com/infographics/20170512/5387097/Ozbekiston-va-Xitoyning-siyosiy-savdomunosabatlari.html>

хусусида “Халқ сўзи” газетасининг 122 (3397)-сонида келтириб ўтилади⁶². Бу ҳар икки мамлакат соғлиқни сақлаш, туризм ва маданий яқин бўлган халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилгандан сўнг, ушбу ташкилот доирасида ҳам маданий алоқалар кенг ривожланиб борди. 2006 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтган учрашувларда ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2007-2008 йиллардаги маданий ҳамкорлик алоқаларини келишиб оладилар. 2005 йилдан бошлаб, ташкилотга аъзо давлатлар Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” фестивалига ўз вакилларини юбора бошлаганлар. Шунингдек, учрашувда ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг бой маданий меросни тарғиб қилиш, ранг-баранг санъатни ўзаро тарғиботи биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш учун ташкилот миқиёсида иккинчи фестивални ўтказишга тайёргарликни муҳокама қилганлар⁶³. Ушбу фестивал мувоффақиятли ўтказилиб, келгусида уни анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олинганлигини матбуот саҳифаларидаги хабар ва мақолалардан билиб олишимиз мумкин.

Маданий ҳамкорликнинг муҳим бўғини кино санъати бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда Хитой киноси, Хитойда Ўзбекистон кино кунлари, ҳафталиклари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Ана шундай тадбирларнинг бири хусусида; “Халқ сўзи” газетасида қуйидаги мазмундаги маълумотларни ўқишимиз мумкин; “...Ўзбекистонда Хитой кино кунлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбир 28 июньдан 10 августгача давом этиши, бошқа давлатлардагидан фарқли равишда кинозалларда эмас, балки телевидиния орқали намойиш этилгани, Унда Жекки Чан иштирокидаги “Қаҳрамон”, “Янги полиция”, Жет Ли иштирокидаги “Шаолинь эхроми”, комедия жанрида яратилган Кунг-Фу усулида” ва бошқа бир қатор кинолар намойиши бўлиб ўтган. Бу хусусда маълумот бериб, бундай тадбирлар мамлактларимиз

⁶²Муқимов С. Хитой оҳанглари янграйди://Халқ сўзи. 122 (3397)-сон. 2004 йил, 10 июнь.

⁶³Ўлжабоев Н. Маданий ҳамкорлик истиқболи муҳокамаси://Халқ сўзи. 81 (3880) 2006 йил, 28 апрель.

ўртасидаги дўстлик ва биродарликни, бир-бирига ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилиши⁶⁴- билан боғлиқ фикр мулоҳазаларни “Халқ сўзи” мухбири ўз мақоласида келтириб ўтади. Бундай учрашувлар аввалги йилларда ҳам ўтказилган бўлиб, 2004 йилда ХХР раҳбари Ху Цинъяонинг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва Тошкентда ШХТнинг навбатдаги саммити арафасида ўтказилганди. ўшанда “Ўзбеккино” миллий агентлиги ва Хитойнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигига Хитой фильмлари намойиши ташкил этилган. Шунингдек, икки дўст ҳалқларни бир-бирига яқинлаштиришда мусиқа санъатининг қудрати бекиёслиги сабабли, “Туркистон” санъат саройи, Ўзбекистон давлат концерваторияси, Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида намойиш этилган концертларда бу яна бир бор ўз аксини топганди. Хитой филармонияси бадиий жамоаси ижроси орқали ҳамюртларимиз ушбу ҳалқ миллий мусиқа санъатининг энг ноёб намуналари билан танишган эдилар⁶⁵.

Хитойлик кино ижодкорларнинг асарлари 2006 йилда ҳам ХХРнинг мамлакатимиздаги элчихонаси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, 28 июлдан 10 августргача давом этган. Бу сафарги кинофестивал нафақат кинотеатрлар билан ҳамкорликда балки, телевидениялар билан ҳам ҳамкорликда амалга оширган бўлиб, “Марказ” ТВ канали, НТТ мінтақавий телестанциялар тармоғи ва бошқалар билан ҳам ҳамкорлик қилинган. Бундай тадбирлар икки ҳалқни маданиятини бир-бирига таништиришдан ташқари ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳақида маълумотларни “Халқ сўзи” мухбири келтириб ўтганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.⁶⁶

ХХРнинг ташкил топганининг 57 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ижодкорлари дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ўз

⁶⁴Бўронов Ю. Хитой кино оламига марҳамат//Халқ сўзи 142 (4041)-сон. 2006 йил 25 июль.

⁶⁵Ҳайратлар намойиши//Халқ сўзи. 125 (3400) 2004 йил, 15 июнь.

⁶⁶Бўронов Ю. Хитой кино оламига марҳамат!//Халқ сўзи № 142 (4041) 2006 йил, 25 июль.

хиссаларини қўшиш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академиясида “Ўзбек суръаткашлари ижодида-Хитой” мазусида кўргазма ташкил этганлар. Ушбу кўргазмада Турсун Али, Раҳмонбек Исломов, Владимир Жирнов, Шаҳноза Усмон каби муаллифларнинг асарлари намойишга қўйилган. Кўргазмага қўйилган суръатларда ўзбек санъаткорлари ижодида Хитой манзаралари акс эттирилган бўлиб, кўргазмани очилишида XXР элчиси Юй Хунцзюнь ҳам иштирок этган. Кўргазма намойиши 10 октябрга қадар бўлганлиги маданий алоқаларнинг чуқур илдиз отганлигидан далолат беради⁶⁷. Бу маданий алоқалар икки ўртадаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда, кўргазмага ташриф буорганлар хотирасида Хитойнинг табиати, маданияти, тарихига оид тасаввурларни ҳам бойитишга хизмат қиласди.

2010 йил 8-13 июнда ҳам ташкил этилган “Буюк ипак йўли тинчлик йўлида саёҳат” мавзусидаги халқаро кўргазма фаолият юритган бўлиб, кўргазма ШҲТга аъзо бўлган давлат раҳбарларининг тошкент учрашуви арафасида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида ташкил этилган. Кўргазмада юртимиз рассомлари билан бирга Хитой, Россия, Бангладеш, Миср, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон каби мамлакатлардан ташриф буёрган 50 дан зиёд рассомларнинг асарлари намойиш этилган. “Халқ сўзи” мухбирига берган интервючида Ортиқали Қозоқов: “Халқаро кўргазманинг “Буюк ипак йўлитинчлик йўлида саёҳат” деб номланиши бежиз эмас. Чунки, Буюк ипак йўли қадимда Шарқ ва Фарбни боғловчи мустаҳкам йўналиш бўлган. Бу худудда жойлашган мамлакатлар тарихи, уларнинг анъаналари, урф-одати, бой маданий-маънавий меъроси билан танишиш бугунги кунда фоятда муҳим саналади. Мазкур халқаро кўргазмани ташкил этишда кўзланган асосий мақсад ҳам ушбу маконда истиқомат қилаётган мамлакатлар рассомлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш,

⁶⁷Ризаева Ю. Фотоасарларда Хитой манзаралари://Халқ сўзи. 194 (4093)-сон. 2006 йил, 4 октябрь.

ҳар бир мамлакатнинг миллий тасвирий санъатини таништириш буюк импак йўли анъаналарини қайта тиклашдан иборатдир⁶⁸ -деган эди.

2012 йилда ҳам хитойлик мусаввурларнинг Тошкентдаги фотосуръатлар уйида замонавий рангтасвир санъатига бағишиланган кўргазмаси ташкил этилган. Ушбу тадбир “Ўзбекистон маданияти ва форуми” жамғармаси, Бадиий академия ҳамда Бутунхитой халқаро дўстликни ривожлантириш уюшмалари томонидан ташкил этилган. Бу анжуман 2007 йилда ушбу ташкилотлар томонидан имзоланган халқаро меморандумнинг амалий ҳаётга тадбиғи сифатида ташкил этилган. Кўргазмада Хитойнинг Ченг дали, Хао Вангкинг, Ченг Жианг каби истеъдодли рассомларининг пейзаж, натрюоморт, портрет ва бошқа жанрлардаги асарлари намойиш этилган⁶⁹.

Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда “Ўзбекистон – Хитой” ва “Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда. 2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Бу Хитойда Ўзбекистон ва унинг иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиётини ўрганиш мактабининг яратилганлигини англатади. Шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Хитой Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги дастур маданият соҳасидаги алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. 2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. Жорий

⁶⁸Файзиев О. “Буюк ипак йўли тинчлик йўлида саёҳат”//Халқ сўзи № 115. (5030), 2010 йил, 11 июнь.

⁶⁹ Охунова м. Хитойлик мусаввурлар кўргазмаси.//Халқ сўзи. № 106 (5526), 2012 йил, 31 май.

йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида "Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари" бадиий кўргазмалари ташкил этилди⁷⁰.

Умуман, 2012-2013 йилларда Хитойда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва санъатига бағищланган йигирмадан ортиқ тадбир ўтказилди. Икки мамлакат маданият ва санъат намояндаларининг қатор ўзаро ташрифлари амалга оширилди. Жумладан, хитойлик санъаткорлар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали, "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Таълим соҳасида давлатлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашиш тобора кўпаймоқда. Тошкентда ташкил этилган Конфуций номидаги институтда ҳар иили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўкув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга кўйилди. Шунингдек, икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида XXР ҳукумати 2012-2013 ўкув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетида ўзбекистонлик етмишга яқин талаба таҳсил олмоқда⁷¹. Талabalарнинг алмашиниши илмий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига Хитой фуқароларининг гурух бўлиб саёҳат қиласиган туристик мамлакат мақомини бериш жараёни

⁷⁰ <http://sputniknews-uz.com/infographics/20170512/5387097/Ozbekiston-va-Xitoyning-siyosiy-savdomunosabatlari.html>

⁷¹ <http://sputniknews-uz.com/infographics/20170512/5387097/Ozbekiston-va-Xitoyning-siyosiy-savdomunosabatlari.html>

бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти «China Outbound Travel & Tourism Market-2013» (апрель, Пекин) ҳамда «WTF – 2013» (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди. Шу куни Си Цзиньпин пойтахтимизнинг энг асосий диққатга сазовор жойларидан бири – Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томоша қилди⁷².

Мартабали меҳмоннинг юртимиз тарихига бўлган қизиқишини баҳолар экан Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига хурмат кўрсатиб, 2016 йил Бухорога борганингиз, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга катта қизиқиши билдирганингиздан хурсандмиз. Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида дадил бораётган мамлакат сифатида билади⁷³”, - дея ўз фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтади.

XXР давлат раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб борганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Кеча, 18 январькуни “Истиқлол” санъатсаройида Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртас идадиiplоматикмуносабатлар ўрнатилганинг 25 ийлиллигигабаги шланган маданийдастур бўлиб ўтди. Буҳақда ЎзА ўзининг интернет тармоғидаги сайтида хабар берган. Мазкур дўстлик власанъаткечаси Ўзбекистон хорижий мамлакатлар биландўстли квамаданий-маърифий алоқалар жамиятлар икенгаши, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчиҳонаси ва Ўзбекистон Республикаси Байналмила маданият маркази ҳамкорлигида шкил этилди. Концертаввалида иккита давлат мадхияси янграгандан

⁷² uza.uz/.../zbekiston-khitoi-strategik-amkorlikning-yangi-uflari-09....

⁷³ <http://sputniknews-uz.com/society/20170512/5394483/ozbekiston-xitoy-muzokaralari.html> <http://sputniknews-uz.com/society/.../ozbekiston-xitoy-muzokaralari.html>

сўнг, сўзгачиққанлармамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барчасоҳалардаиз чилривожланиб бораётгани,
иккидавлатраҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунга хуқуқ ийа сособулаётганини алоҳидатай кидлади.

“Хитойда “Дўстинг қанчакўп бўйлса, йўлингшунчакен гбўлади”,
деган мақолбор. Ўзбекистон Хитой учун яқин дўста стратегик ҳамкордир.

Бумуносабатларяна даривожланиши тарафдоримиз.

Ушбу байрам тадбирихалқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаши гаишонамиз”,

дейди Хитой Халқ Республикасиning Ўзбекистондаги Фавқулод давам ухтор элчи си Сун Лицзе тадбирда “Ўзбекистон – Хитой: биродарлик йўли”

номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Концертда “Сабо” миллий рақсан сансамблитомонидан “Шарқ”, “Хоразмча рақс”,

Ўзбекистон халқаристи М. Тошматов, Г. Нурметова ижросида

“Абадий дўстлик”, “Мен ваменинг Ватаним”, “Дўст”, “Онаўлкам” сингариқ ўшиклиари жроэтилди. Хитой миллий маданият маркази

ушбу туѓараги аъзолари “Арслон” рақси, хитойлик Фан Инчуан “Порла, Тошкент” қўшиғи биланчиқи шқилди⁷⁴.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳалари даги ҳамкорлик ҳам изчили ривожланмоқда. “Ўзбекистон – Хитой” ҳамда “Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юртлари орасида талабалар алмашуви кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институти ташкил этилган. Хитой миллатлар марказий университети ва Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиши йўлга

⁷⁴ qalampir.uz/.../ozbekiston-va-hitoyning-25-yillik-diplomatik-muno...

кўйилган. Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган.

Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино қунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. Хитойлик санъаткорлар “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. 2015 йилги фестивалда бош соврин – Гран-прини Хитойнинг “Jiangsu Women’s Orchestra” гурӯҳи қўлга киритди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Самарқанд вилояти ва Шэньси провинцияси ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани натижасида икки мамлакат ҳудудларининг тўғридан-тўғри алоқалари ривожланмоқда⁷⁵.

Тошкент ва Шанхай шаҳарларининг биродарлашувига 19 йил муносабати тўлиши билан ўзбек мусаввирларининг асарлариушбу мегаполисда намойиш этилганлиги матбуот саҳифаларида ўрин олганлигини кўришимиз мумкин. Оммавий ахборот воситаларида келтирилган хабарарга кўра, кўргазмашаҳар кутубхонасида ташкил этилган. уни очилишида Республикализнинг Бош консуллиги, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси бадиий академияси ва Шанхайнинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси (ШХМДУ) ташкилотлари яқиндан ҳамкорлик қилганлар. Кўргазма мегаполис аҳолиси ва унинг меҳмонларига ўзбек рассомларидан А.Нуриддинов, Г.Қодиров, М.Исанов, М.Содиқов, Ф.Аҳмадалиев, Х.Зияхонов ва бошқа мўйқалам усталарининг ижод намуналарини намойиш қилган⁷⁶. Бу эса, Ўзбекистоннинг табиати, тарихи, маданияти ва урф-одатлари билан хитойликларни яқиндан таништиришда муҳим аҳамиятга эга блган воқелик эканлиги матбуот саҳифаларидаги хабар ва мақолаларда келтириб ўтилади.

⁷⁵ Ўзбекистон – Хитой: ҳамкорликнинг янги босқичи – ҳар томонлама стратегик шериклик. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-khitoy-amkorlikning-yangi-bos-ichi-ar-tomonlama-st-22-06-2016>

⁷⁶Ўзбек мусаввирларининг асарлари Шанхайдаги Намойиш этилди://Халқ сўзи № 43 (5717), 2013 йил, 2 март.

Жамоат ташкилотларининг ҳам ўзаро ҳамкорлиги маданий ва ижтимоий соҳаларда кенгайиб бормоқда. Мисол тариқасида аёллар ташкилотларининг ҳам бу борадаги фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. маданий ва ижтимоий алоқаларда аёлларни ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Шанхай хотин-қизлар федерациясининг раҳбари бир неча бор юртимиз аҳаолисини турли байрам ва танталар давомида табриклагани, диққатга сазовордир. Жумладан 2013 йилда Хотин-қизлар ташкилоти раҳбари бўлган Цзяо Ян бошлигидаги делегация Тошкетда 2013 йил май ойида бўлиб ўтган “Хотин-қизлар хуқуqlари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси” конференциясида иштироки, шу йилнинг августъ ойида ўзбекистонликларни, ўзбек хотин-қизларини эса алоҳида табриклаганлигини келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз⁷⁷.

Маданий алоқларнинг замонавий кўринишларидан бири бу туризм соҳаси бўлиб ҳисобланади. юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизда Ўзбекистон ва хитой ўртасида туризм соҳасида имзолангандиган ҳужжатларга тавсиф бериб ўтган эдик. Хитойлик меҳмонлар бугунги кунда юртимизга келаётган сайёҳтуристлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Уларнинг юртимиз тарихим, минг йилликларга татигулик маданияти, урф-одат, анаъаналари қизиқтириши табиий ҳол. Иккинчи бир томондан эса, икки халқ маданиятининг ўзаро ўйғунлиги, миллийлиги, ўзига хослиги кабиларни ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Оммавий ахборот воситалари мухбурлари доимий равишда юртимизга келган сайёҳлар билан мулоқаотга киришиб, уларнинг юртимиз ҳақидаги тасаввурлари ҳақида ўртоқлашадилар. Масалан хитойлик Ю Минг юртимизнинг бетакрор табиати, тарихий обидалари, ўтмиши, маданияти, хунармандчилик маҳсулотлари, Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган

⁷⁷ Цзяо Ян. Ўзбекистон кўхна ва бетакрор маданиятга эга мамлакатdir. Жаҳон ахборот агентлиги билан сұхбат://Халқ сўзи, №141 (5815), 2013 йил, 20 июнь.

олимлари ва уларга атаб бунёд этилган обидалардан ҳайратга тушганлигини билдирган⁷⁸.

Ўзбекистон ва Хитойнинг маданий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги кенг қамровли бўлиб, уларга спорт, тасвирий санъат, мусиқа, бадий жамоаларнинг ташрифлари, турли фото кўргазмалар, тарихий ва маданий кўргазмалар, кино ва санъат ҳафталиклари, илмий ва маърифий ҳамкорлик кабиларни ташкил этади. Айниқса, буюк ипак йўли ва уни тиклаш бўйича амалга ошириладиган маданий дастурлар ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Маданий алоқаларнинг замонавий кўриниши бўлган туризм соҳаси эса кейинги даврларда тараққий этиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Маданий алоқалар икки халқ ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлайди.

III боб. Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)да минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлашдаги ҳамкорлиги.

III.1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифа сифатида кўндаланг бўлиб турарди. Негаки, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан ана шу вазифаларнинг оқилона ҳал етилишига боғлиқ бўлиб қолган эди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ жаҳон ҳамжамиятига

⁷⁸Ўзбекистон бизни мафтун этди//Халқ сўзи, №50 (5217), 2011 йил, 12 март.

кўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади ва оғишмай шу йўлдан бормоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (кейинги ўринларда ШХТ) дастлаб 1996-йилда ташкил топган эди. 1996 йилнинг 26 апрелида Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳукумати раҳбарлари Шанхай шаҳрида учрашиб, ҳарбий соҳада ҳамда чегара ҳудудларида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида битим имзолаган эдилар. Шу тариқа “Шанхай форуми” ёки “Шанхай бешлиги” ташкилоти тузилган эди. 1997-йилда Москвада бўлиб ўтган саммитда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари қўшни чегарада қуролли кучларни ва қурол-яроғни қисқартириш тўғрисида шартнома имзоладилар. 1996-2000 йиллар оралиғида ушбу “бешлик” давлатлари Шанхай, Москва, Алмати, Бишкек ва Душанбе шаҳарларида бирин-кетин саммитлар ўтказдилар. Юқоридаги бешта давлат раҳбарларининг 2001 йил 15 июн куни Шанхайдага бўлиб ўтган навбатдаги учрашув чоғида Ўзбекистон ҳам уларнинг сафига қўшилди ва шу куни “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” тузилганлиги тўғрисида декларация имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов “Шанхай бешлиги”нинг олий даражадаги учрашувида қатнашиш учун 2001 йил 14 июнь куни Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига борди. Шанхай саммитига ташриф буюрган 6 мамлакат раҳбарлари “Шанхай Сицзяо” меҳмонхонасига йиғилди. Бу ерда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Ўзбекистонинг “Шанхай форуми”га тўла ҳукуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолади. Ўзбекистоннинг тузилма фаолиятида тенг ҳукуқли иштироки, дейилади баёнотда, Шанхайдага 1996 йилда ва Москвада 1997 йилда имзоланган ҳарбий соҳада ҳамда чегара ҳудудларда қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, шунингдек, аъзо давлатлар раҳбарлари ўртасида эришилган бошқа шартномаларда ўз аксини

топган тамойилларга амал қилишини кўзда тутади. Ушбу тамойиллар “Шанхай форуми” аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосини белгилайди.

Шу ўринда масаланинг бир жиҳатига эътиборни қаратмоқчимиз. Гап иқтисодиётми, сиёсатми, ижтимоий соҳа ё хавфсизликми, нима ҳақда боришидан қатъий назар, Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистонсиз 1996 йилда асос солинган “Шанхай бешлиги” мукаммаллик касб эта олиши қийин эди. Мамлакатимиз бу тузилмага аъзо бўлган уч мамлакат – Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан бевосита чегарадош. Улар билан иқтисодий ришталар, сиёсий ҳамжиҳатлик, ижтимоий алоқалар азалийдир. Бундан ташқари, Ислом Каримов таъкидлаганлариdek 50 миллионлик нуфузга эга Марказий Осиё ахолисининг ярми Ўзбекистонда яшайди. Қолаверса, Россия ва Хитой мамлакатимизни ўзининг стратегик ҳамкори санайди. Шундай экан, Ўзбекистонинг мазкур тузилмага қўшилиши, биринчи навбатда, фаолият кўлами кенгаяётган, ўзининг янги ривожланиш палласига кираётган “Шанхай форуми” учун муҳим ва фойдалидир.

Тузилмага янги аъзо қабул қилиниши ҳамда фаолият доираси кенгайиши муносабати билан унинг номини ҳам ўзгартириш – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти деб аташ мўлжалланди. Ўзбекистон Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон билан бир қаторда, янги бирлашма таъсисчиларидан бири бўлиш ва улар билан биргаликда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини имзолашга тайёр эканлигини билдирид⁷⁹.

2001 йил 15 июнь куни “Шангрила” меҳмонхонасида Шанхай саммитига ташриф буюрган делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда давлат раҳбарлари нутқ сўзлади. Давлатимиз биринчи раҳбари ўз нутқида мазкур учрашув дунё сиёсий тарихига кирадиган воқеа бўлганини, беш йил аввал ҳарбий соҳада ҳамда чегара худудларда қуролли

⁷⁹Ўзбекистон-“Шанхай форуми” аъзоси // Халқ сўзи №117 (2679), 2001 йил 15 июнь

кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган тузилма бугун иқтисодий-ижтимоий, сиёсий масалаларда хавфсизликни таъминлашда кенг ҳамкорликка йўл очадиган ташкилотга айланганини таъкидлади.

- Биз Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айрмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз, - деди Ислом Каримов⁸⁰.

Диққатга молик томони шундаки, Шанхайдаги нуқтаи назари, қарашлари ва сиёсати Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга бевосита боғлиқ давлатлар раҳбарлари йифилди. Булар орасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги эътиборга молик. Ислом Каримов шуларни таъкидлар экан, Ўзбекистон онгли равишда Шанхай тузилмасига қўшилганини, бу қўшилиш баробарида сифат ва фаолият кўлами жихатдан бутунлай янги ташкилот таъсисчиси бўлганини қайд этди. Бу ташкилот фаолиятига оид фикрларни билдириб, ечимини кутаётган бир неча долзарб муаммони санаб ўтди. Албатта, биринчи навбатда, Афғонистон можароси қайд этилди. Бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сақланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан, янгидан-янги муаммолар келиб чиқаверади. Террор, экстремизм, айрмачилик ва наркобизнес бир-биридан айри муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик моддалар савдосидан келган миллиардлаб долларлар эвазига қўпорувчилар ёлланмоқда ва турли ваҳшийликларга йўналтирилмоқда. Бу тизим ғоят яхши мувофиқлаштирилди. Демак, унга қарши баҳамжихат курашилмаса, натижа кутилганидек бўлмайди.

Ислом Каримов қўпорувчи йўллайдиган марказлар асосий эътиборни иқтисодий қийинчиликлар, демографик муаммолар ва бошқа сабабларга

⁸⁰Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилди// Халқ сўзи №118 (2680), 2001 йил 16 июнь

қаратишини таъкилаб, бунинг олдини олиш учун халқларимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлида ҳамкорлик қилиш лозимлигини айтди, шунингдек, самарали ҳамкорлик имкониятлари мавжуд бўлган қатор соҳаларни қайд этиб ўтди.

Давлатимиз биринчи раҳбари ҳозирги кунда оммавий қирғин куролларининг ноқонуний тарқалиши ҳам тобора долзарб муаммога айланайтганини таъкилаб, Марказий Осиёда ядро куролларидан холи зона барпо этиш жараёнини тезроқ якунига етказиша БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой ёрдамига умид билдириди.

Биринчи Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти қуруқ баёнотлардан иборат бўлиб қолмаслиги, қарорлар пухта ўрганиб, келишилиб, аниқ фойда келтиришига амин бўлган ҳолда қабул қилиниши лозимлигини айтиб ўтди. Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазалари бошқа қатнашчилар томонидан бир овоздан қўллаб-куватланди. Музокараларда қабул қилинажак хужжатлар, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Энди бевосита мамлакатимизнинг ШХТга аъзоликдан кўзлаган мақсадига тўхталсак. Ислом Каримов таъкидлаганидек, бунда, аввало, ватанимизнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш масаласи туради. Ислом Каримов бу мавзуда бот-бот гапирилган эса-да, унга мурожаат қилишдан чарчамаслигини, чунки хавфсизликни таъминламай туриб, тараққиётга эришиб бўлмаслигини яна бир бор таъкиллади.

Хавфсизлик масаласи минтақамиз учун долзарблигича қолмоқда. ШХТ сафида эса ҳарбий салоҳияти ғоят катта бўлган Россия ва Хитой бор. Улар БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидир. Дунё миқёсидаги йирик масалаларни шу икки давлат аралашувисиз ечиш қийин. Шунингдек, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг дарди ҳам бир хил. Уларнинг ҳаммасида хавфсизликка таҳдид соладиган муаммолар кўндаланг турибди. Олти мамлакатнинг давлат раҳбарлари бир жойга йиғилиб, янги ташкилот тузиш тўғрисидаги хужжат билан бирга, террор, экстремизм, айирмачилик ва

шу каби бошқа иллатларга қаши кураш тұғрисидаги конвенцияга имзо чекканининг бош сабаби ҳам мазкур муаммоларга муносабат бир хиллиги, мақсадлар муштараклигидадир. Ўзбекистоннинг ШХТга қўшилишдан кўзлаган иккинчи асосий мақсади кенг кўламли ҳамкорликдир⁸¹.

Мулоқот якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тұғрисида декларация қабул қилинди ва террорчилик, айрмачилик ва экстремизмга қаршиураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди. Деклорацияга биноан янги ташкилотнинг мақсади аъзо мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро ишончи, дўстлик ва қўшничилигини мустаҳкамлаш, улар орасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни рағбатлантиришдан иборат. Ҳужжатда минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни қўллаб-қуватлаш ва таъминлашдаги биргалиқда ҳаракатларнинг муҳимлиги таъкидланади⁸².

Саммит иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги учрашуви 2002 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказишга келишиб олди. 2002 йил 7 июн Санкт-Петербургда бўлиб ўтган иккинчи саммитда ШХТ нинг Хартияси қабул қилинди. Унда ташкилотнинг устав хужжатлари, мақсад-вазифалари, принциплари, тузилиши ва асосий ҳаракат йўналишлари белгилаб берилди⁸³. Хартия 2003 йилнинг 19 сентябридан кучга кирди. ШХТнинг асосий вазифалари қўйидагилар:

- қўшни давлатлар ва аъзо давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамдўстлик муносабатларини ўрнатиш;
- сиёсий ҳамкорликни йўлга қўйиш; савдо-сотик, илмий-техникавий ва маданий йўналишлар;
- шу қаторда таълим, энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ишларини олиб бориш;

⁸¹Ҳамкорлик орқали хавфсизлик сари// Халқ сўзи №119 (2681), 2001 йил 19 июнь

⁸²Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилди// Халқ сўзи №118 (2680), 2001 йил 16 июнь

⁸³Шанхай ҳамкорлик ташкилоти. // Халқ сўзи №119 (2947), 2002 йил, 6 июнь.

— ҳамкорликда дунёда тинчликни сақлаш, худудларда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш; миллатлараро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик ишларини тартибга солиш.

ШХТ нинг расмий тили сифатида рус ва хитой тиллари қабул қилинган. Ҳар йили ШХТга аъзо давлатлар МДҲ мамлакатларининг бирида ҳисобот ийғилишларини ўтказадилар ва Ҳамкорлик доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларни муҳокама қиласидилар⁸⁴.

Ўзбекистон ШХТ Хартиясида белгилаб кўйилганидек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақа давлатларининг ижтимоий-иктисодий фаровонлигини ошириш, ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ҳамда ҳалқаро нуфузини юксалтиришга йўналтирилган мақсадлар, вазифа ва тамойилларга қатъий риоя этилишининг тарафдоридир. Ўзбекистон ШХТга биринчи маротаба раислик қиласидилар (2003-2004) ташкилотнинг институционал шаклланиши нуқтаи назаридан муҳим ҳужжатлар: ШХТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом ва ШХТнинг кузатувчилар билан ҳамкорлиги тартиби имзоланди. Натижада 2004 йили Мўғулистон, 2005 йили эса Хиндистон, Покистон ҳамда Эрон кузатувчи мамлакат мақомини олди. Бундан ташқари, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши ҳам диққатга молик воқеа бўлди, у гиёхвандлик хавфига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди. Тошкент учрашувида кўрилган масалалар орасида ШХТ фаолиятининг икки асосий йўналиши – хавфсизлик ва савдо-иктисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Нафақат ШХТ минтақаси, балки бутун дунёдаги вазиятга таъсир кўрсатиб турган Афғонистондаги вазият ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олган. Тарькидлаш жоизки, Афғонистон муаммоларини ҳал қилишга бағишлиланган анжуман ва ийғилишлар кўпинча бу давлатнинг иштирокисиз ўтиб келган эди. Аниқроғи,

⁸⁴"Современные торгово-экономические отношения КНР с центральноазиатскими странами-членами ШОС" Научная библиотека диссертаций и авторефератов disserCat <http://www.dissercat.com/content/sovremennoye-torgovo-ekonomicheskie-otnosheniya-knr-s-tsentralnoaziatskimi-stranami-chlenami-#ixzz51Erdggj1>

Афғонистон муаммоларини ечишда Афғонистоннинг ўзи қатнашмас ва бунга муғим аҳамият берилмасди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Афғонистонда марказий ҳокимиятнинг йўқлиги, мамлакатни бўлиб олган ва назорат қилувчи гурухлар бир-бирини тан олмаслиги, шунингдек, бир даврада учрашишни истамаслиги бунга имкон бермай келаётганди. Бу даврга келиб вазиятнинг ўзгарганини инобатга олган Ўзбекистон Республикасининг бириняи раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ШХТнинг Тошкент саммитига Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида таклиф қилинган⁸⁵. Мантиқан олганда, унинг бевосита муҳокама жараёнида иштирок этиши вазиятни тўғри баҳолаш ва ҳар томонлама мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасизdir. ШХТсаммити кун тартибида хавфсизлик масаласига кенг ўрин берилгани бежиз эмас. Маълумки, бутун дунёда террорчилик кучаймоқда. Ядроий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ШХТ эгаллаган минтақада таҳдидларнинг олдини олиш учун яхлит бир тизим умумий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ташкилот хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида амалий ҳамкорликни ривожлантираётганини таъкидлаш жоиз. ШХТ саммитида кўтарилиган иккинчи асосий масала савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Иқтисодий ҳамкорлиқда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб вазифалар муҳокама этилди. Ислом Каримов Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тўғрисидаги таклифини ШХТ саммитида яна бир бор эълон қилди⁸⁶. Биламизки, ШХТ мамлакатлари қитъалараро транспорт йўлакларининг муҳим бўғинидир. Шуни инобатга олсак, янги транспорт тармоқларини барпо этиш орқали ШХТ мамлакатлари дунёning бошқа

⁸⁵Бобоев А. Хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида // Халқ сўзи, №128 (3403) 2004 йил, 18 июнь

⁸⁶Бобоев А. Хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида // Халқ сўзи, №128 (3403) 2004 йил, 18 июнь

давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда қўшимча имкониятларга эга бўлади. Шу билан бирга, 2004 йилнинг январидан бошлаб Тошкентда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) фаолият кўрсата бошлади. Ушбу тузилма зиммасига ахборот алмashiш, чегара ва божхона қўмиталарининг, маҳсус хизматларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган⁸⁷. Доимий асосда иш олиб борадиган ушбу орган ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва маҳсус хизматларининг радикал тажовузкор экстремизм ҳамда айрмачиликка, уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги саъй ҳаракатларини бирлаштириш ва амалий ҳамкорлиги учун самарали восита бўлиб қолди.

Айтиш жоизки, ШХТнинг Тошкент саммити ва Ўзбекистоннинг мазкур саммитга мезбонлик қилгани жаҳон оммавий ахборот воситаларида эътирофга сазовор бўлди. Германиянинг “DW-WORLD. DE” интернет сайтидаги мақолада ШХТга аъзо давлатлар терроризмга қарши курашни янада фаоллаштиришни режалаштиришганига урғу берилади. Шунингдек, мазкур сайт саммитда Афғонистон Мувакқат ҳукуматининг раҳбари Ҳамид Карзайнинг иштирок этганини ҳам қайд етган. Kremlin.Ru сайти эса саммит давомида имзоланган ҳужжатларни келтириш билан бирга, Россия томонининг саммит моҳияти тўғрисидаги фикрини келтиради. “Мазкур саммитнинг аҳамияти ШХТнинг ташкилот сифатидатўлик шаклланиши, Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг очилишидадир. Биз иқтисодий масалалар бўйича ҳам ишларни жадаллаштиришга келишиб олдик” – Россия Президенти Владимир Путиннинг ушбу фикрлари мазкур сайтда баён этилган. Би-би-сининг саммит ҳақидаги мақоласида анжумандада кўплаб ҳужжатлар имзоланганлиги, “Тошкент декларацияси” ШХТнинг келгусидаги вазифаларини аниқ белгилаб берганлиги ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилади. Россия ТИВ расмий вакили Александр Яковенко “Тошкентда имзоланган Ташқи ишлар вазирларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Протокол

⁸⁷ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилди // Халқ сўзи №128 (3403), 2004 йил, 18 июнь.

ШХТ доирасидаги ташқи сиёсат соҳасида барчанинг манфаатларини кўзловчи умумий қарашлар ишлаб чиқишида биргаликда самарали ҳаракат қилиш имконини беради” деган фикрларини қайд этади. “Tagesspiegel” сайти ШХТнинг Тошкент саммитида бугунги кундаги дунё миқёсида енг долзарб бўлиб турган – террорчиликка қарши кураш масаласи кўриб чиқилганлигини баён этиш билан биргаликда, “Ташкилотда БМТ, ЕХХТ ва Интерпол билан яқиндан ҳамкорлик қиласиган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият бошлаганини” алоҳида таъкидлайди⁸⁸.

2004 йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари Котибларининг учрашуви институти тузилди. У ШХТ доирасида хавфсизлик соҳасидаги мувофиқлаштирувчи маслаҳат механизми ҳисобланади. Ўша йилнинг июнь ойидаёқ Тошкентда бу институтнинг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Ўшандан буён ушбу учрашув ҳар йили ўтказилади ва у хавфсизлик соҳасидаги вазиятни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда баҳолаш, ШХТ мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда⁸⁹.

Ўзбекистоннинг ШХТдаги иккинчи раислиги даврида яъни 2010 йил ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилотнинг ташқи алоқаларини кенгайтириш, кенг минтақадаги тинчликни, осойишталик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича вазифалар муҳокама қилинди. ШХТ давлатлари ўзаро муносабатларда “Шанхай руҳи”га амал қилиши бизга маълум. Бу ибора қарорларни консенсус асосида қабул қилиш, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, маданий хилма-хилликка ҳурмат билан ёндашув, биргаликда тараққий этишга интилиш тамойилларига қатъий амал қилиш демакдир. Давлат раҳбарлари кенгашининг машлисида Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилган бўлиб, бу вакт мобайнида Ўзбекистон ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, меъёрий-хукукий асосини мустаҳкамлаш,

⁸⁸ Донёров С. Минтақавий барқарорлик гарови // Халқ сўзи №129 (3404), 2004 йил 19 июнь

⁸⁹<https://cyberleninka.ru/.../dissertatsionnye-issledovaniya-po-tsentral...>

ШХТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқликни сақлаган ҳолда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш оркали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, Ўзбекистон биринчи Президенти ШХТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизмларини, ташкилот ва унинг тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди. Тошкентда ШХТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида имзоланган Кўшма декларация Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Контртеррористик қўмита ўртасидаги амалий алоқаларни ривожлантиришга йўл очди.

Бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-харакати билан ечиб бўлмайди. Жумладан, хавфсизлик ва экология муаммолари камида минтақа миқёсидаги ҳамкорликни тақозо қиласди. Шу маънода, ШХТ билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг расмийлаштирилиши икки томон учун муҳим масалаларни ечишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга кенг имкониятларни очади. БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича қўмитаси, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази каби тузилмалари билан ШХТ анчадан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қабул қилинган Кўшма декларация бу ҳамкорликнинг имконият ва салоҳиятини янада оширишга хизмат қиласди. Айни пайтда ШХТнинг ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорлик режаси тасдиқланган бўлиб, ўзаро англашув меморандумларига асосан тузилган бу режа ШХТ билан ЭСКАТО, АСЕАН, МДҲ, ЕврАЗЭС, ОДКБ каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни назарда тутади⁹⁰.

⁹⁰ Бобоев А. Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик // Халқ сўзи №116 (5031), 2010 йил 12 июнь

Шунингдек, саммитда Қирғизистондаги вазият юзасидан фирм алмашилиб, иштирокчилар Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёрликларини билдирилар. “Энг муҳими, - деган эди Ислом Каримов, - ҳуқуқий асосдаги ечимги топиш ва кескинлик ёйилиб кетишининг олдини олишдир”⁹¹. Мажлисда хавфсизлик масалалари, жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларига қарши биргаликда курашиш муаммолари юзасидан атрофлича фирм алмашилди. ШХТнинг бу галги саммитига Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг таклиф этилгани минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, Туркманистоннинг коммуникациялари, инфратузилмаси, транзит имкониятлари ШХТ мамлакатлари учун фойдали ресурс бўлиб хизмат қиласди.

Музокаралар якунида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши ўнинчи мажлисининг декларацияси, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ процедуралари қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ Бош котибининг ташкилотнинг ўтган йил мобайнидаги фаолиятига оид ҳисботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТ МАТТ Кенгашининг МАТТнинг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор имзоланди. Шу билан бирга, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди⁹².

Мамлакатимизнинг иккинчи раислиги даврида олиб борилган фаол дипломатик ишлар туфайли 2010 йилнинг апрелида – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг ташрифи чоғида Тошкентда БМТ ҳамда ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутки // Халқ сўзи №117 (5032), 2010 йил 14 июнь

⁹² Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик // Халқ сўзи №116 (5031), 2010 йил 12 июнь

декларация имзоланди. Мазкур хужжат икки бирлашма ўртасидаги расмий ҳамкорликнинг ибтидоси бўлди. 2010 йилги саммит чоғида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов баён этганидек, ушбу хужжатнинг қабул қилиниши “ШХТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фаолроқ фойдаланиш, жумладан унинг доирасида ШХТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодаловчи масалаларни биргаликда илгари суриш имконини беради”⁹³. Шуни қайд этиш ўринлики, юртимизнинг ташкилотга иккинчи раислиги даврида илм-фан ҳамда техника бўйича ШХТга аъзо давлатлар вазирлик ва идоралари раҳбарлари учрашуvinинг механизми ишга солинди. Бундан ташқари, ШХТга аъзо давлатлар хукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси 2016 йилда ҳам ШХТга яна бир бор раислик қилди. Ушбу масъулиятли миссия ташкилот фаолиятининг 15 йиллик юбилейига тўғри келди. 2016 йилнинг 23-24 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов раислигига ўтган мажлисда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, ШХТ Бош котиби Рашид Алимов ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сысоев иштирок этди. Саммитда шунингдек, Афғонистон, Беларусь, Мўғулистан, Покистон Президентлари кузатувчи, Ҳиндистон бош вазири, Эрон ташки ишлар вазири ва Туркманистон Президенти ҳамда қатор ҳалқаро ташкилотлар вакиллари меҳмон сифатида иштирок этдилар.

ШХТнинг миллий мувофиқлаштирувчи кенгаши ва доимий ишловчи Котибияти Пекин шахрида жойлашган бўлса, Минтақавий аксилтеррор

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутки // Халқ сўзи №117 (5032), 2010 йил 14 июнь

тузилмаси Тошкент шаҳрида жойлашган. Мамлакатимиз аъзо давлатлар билан биргаликда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро алоқалар мувофиқлашувини яхшилаш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини кучайтириш юзасидан салмоқли ишларни амалга ошириди. ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Саммитда ШХТниг 15 йиллик фаолияти натижалари ҳамда жаҳон ва минтақа ҳаётига оид кўплаб масалалар кўриб чиқилди. Музокаралар давомида ШХТ фаолиятини меъёрий-ҳукуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни изчил ривожлантириш, шунингдек, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистон ва Яқин Шарқдаги вазият мухокама қилинди. Саммит якунида ШХТ 15 йиллигининг Тошкент декларацияси, ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Бундан ташқари, ШХТнинг Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга тўлақонли аъзо давлат мақомини олиши учун мажбуриятлари тўғрисидаги ҳамда Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непал билан ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкори мақомини тақдим этиш тўғрисидаги меморандумлар имзоланди. ШХТ саммити доирасида Шанхай ҳамкорлик

ташлилотига аъзо давлатларнинг Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича дастури ҳам имзоланди⁹⁴.

Хулосаўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ва ШХТ ўртасидаги ҳамкорлик нафақат мамлакатимиз учун, балки ШХТга аъзо давлатлар учун ҳам ҳар томонлама манфаатли бўлиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида бўлиб ўтган саммитларда Ўзбекистоннинг киритган таклиф ва мулоҳазалариминтақавий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлашда асосли равиша ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда.

III.2. Ўзбекистон ва ШХТ: ҳамкорлик орқали хавфсизлик сари

Дунёдаги глобаллашув жараёни халқаро ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва чукурлаштиришни ҳаётий заруратга айлантириб бормоқда. Кўпчилик сиёsatчиларнинг яқдил фикрига кўра, энг жадал ривожланиб, халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақавий ҳамда халқаро хавфсизлик ва барқарорликни сақлашда кенг кўламли ишларни амалга ошироқда. Бевосита давлатимиз биринчи раҳбари Ислом Каримовнинг таклифи билан ушбу ташкилот ҳозирги номига эга бўлган эди. 2001 йил 15 июнда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларацияни имзолаган эдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолият юрита бошлагандан буён ўтган давр

⁹⁴Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити // Бизнес консультант №2, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси. 2016-йил, 3-4 бетлар.

мобайнида ушбу ташкилот унга аъзо бўлган 6 та давлатнинг тенг хуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини такомиллаштирувчи майдонга айланди.

2000 йил 5 июль куни “Шанхай бешлиги” ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида Ўзбекистон ҳукумути кузатувчи мақомида иштирок етган эди. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот саммитида иштирок этиши “Бешлик”нинг доирасини кенгайтирибгина қолмай, мавжуд минтақавий муаммолар ечими тугал ва самарали бўлишини таъминлайди. Мамлакатимиз бу тузилмага аъзо бўлган уч мамлакат – Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан бевосита чегарадош. Улар билан иқтисодий ришталар, сиёсий ҳамжиҳатлик, ижтимоий алоқалар азалийдир. “Ўзбекистоннинг “Шанхай бешлиги”га қўшилиши муҳим воқеа бўлди. Чунки минтақадаги муаммоларни Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечиб бўлмайди” – деб таъкидлаган эди Россия Президенти Владимир Путин⁹⁵. Музокаралар якунида Душанбе декларацияси имзоланиб, саммит қарорига кўра энди мазкур тузилма “Шанхай форуми” деб аталадиган бўлди. Саммит иштирокчиларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов “Шанхай форуми”нинг фаолияти фақат чегарадош ҳудудларда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш билан чекланиб қолмаётгани, сўнгги вақтларда хавфсизликни таъминлаш борасида ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлиб бораётганига эътибор қаратди ҳамда ушбу тузилмага бирлашган давлатларнинг қарашлари яқин эканлигини таъкидлар экан, Ислом Каримов, шунингдек, хавсизликка нисбатан асосий таҳдид Афғонистондан келаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтди. Ўзбекистон раҳбарияти бу мамлакатда тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳар қандай хайрли ташабbusни қўллаб-қувватлашини айтар экан,— “Ўзбекистон афғон муаммосини ҳал қилиш учун фаол ҳалқаро ва минтақавий саъй-ҳаракатлар тарафдори бўлиб келган. Биз “Шанхай форуми” мамлакатларининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган интилишларини қўллаб-қувватлаш билан

⁹⁵ Каримов А. “Шанхай бешлиги”: Душанбе учрашуви // Халқ сўзи №129 (2426), 2000 йил 6 июль

бирга, ушбу ташкилот аъзоларининг “6+2” гурухи доирасидаги саъй-ҳаракатларга ҳар томонлама жиддий ёндашувидан умид қиласиз” – деди Ислом Каримов⁹⁶. 2001 йил 15 июн куни Шанхайда бўлиб ўтган навбатдаги учрашув чоғида Ўзбекистон ҳам тенг хуқуқли аъзо сифатида уларнинг сафига қўшилди ва шу куни “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” тузилганлиги тўғрисида декларация имзоланди. Бу ташкилот фаолиятига оид фикрларни билдириб, ечимини кутаётган бир неча долзарб муаммони санаб ўтди. Албатта, биринчи навбатда, Афғонистон можароси қайд этилди. Бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сақланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан, янгидан-янги муаммолар келиб чиқаверади. Террор, экстремизм, айирмачилик ва наркобизнес бир-биридан айри муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик моддалар савдосидан келган миллиардлаб долларлар эвазига қўпорувчилар ёлланмоқда ва турли ваҳшийликларга йўналтирилмоқда. Бу тизим ғоят яхши мувофиқлаштирилади. Демак, унга қарши баҳамжихат курашилмаса, натижа кутилганидек бўлмайди⁹⁷.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузишдан қўзланган асосий мақсад қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, уларнинг хавфсизлик соҳасида, иқтисодий ва ижтимоий жабҳалардаги ҳамкорлиги равнақ топиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва янги имкониятлар очишдан иборат. Бугунги қунда ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларини хавфсизлик ва иқтисодий масалалар ташкил этмоқда. Зотан, бу икки омил бир-бири билан узвий боғлиқdir. 2002 йилнинг 6-7 июн кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган ШХТ давлат раҳбарларининг навбатдаги саммитида Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримов хавфсизлик масаласига тўхталар экан, бу борада Афғонистондаги вазият муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, у ердаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етган бўлса-да, ҳали вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш қийинлигини айтиб

⁹⁶Каримов А. “Шанхай бешлиги”: Душанбе учрашуви // Халқ сўзи №129 (2426), 2000 йил 6 июль

⁹⁷Шодиева Ш. Ўзбекистон ва ШХТ – барқарор тинчлик йўлида // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2017. –Б.

ўтди. Шунингдек, Ислом Каримов ШХТ фаолиятида аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама рағбатлантириши асосий вазифалардан бири бўлиши лозимлигини қайд этиб ўтди⁹⁸. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг ШХТ давлат раҳбарларининг Санкт-Петербург саммитида сўзлаган нутқи ҳам диққатга сазовор, албатта. “Бу давр фундаментал муаммолар ва халқаро хавфсизликка таҳдид, биринчи галда, сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликка энг кўр даражада хавф солаётган халқаро террорчилик таҳдидига тўқнаш келаётган сифат жиҳатдан янги дунё тартиботи билан тавсифланади. Яқин ўтмишимиз воқеалари ва далиллари барчамиз эътиборга олишимиз лозим бўлган яна бир аччиқ ҳақиқатни намоён этди: нечоғлик мукаммал қурол ёки қудратли ва замонавий ядро-ракета воситаларига эга бўлмасин, дунёнинг ҳеч бир мамлакати бугунги кунда ўзини ушбу даҳшатли таҳдиддан холи деб ҳисоблай олмайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина халқаро ҳамжамият инсониятга хавф солувчи тобора қучайиб бораётган ана шу таҳдиддан халос бўла олади... Эришилган келишувлар, бизнинг фикримизча, вужудга келаётган халқаро вазиятни оқилона ва тўғри баҳолаш натижаси бўлиб, ҳеч шубҳасиз, янги, ўзаро ишончга ҳамда бутун дунёдаги хавфсизликка асосланган концепция ишлаб чиқишга ёрдам беради... ШХТнинг ушбу барча мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очик, омилкор ва самарали ташкилотга айлантириш ниҳоятда муҳимдир”⁹⁹.

Яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтиш лозимки, Санкт-Петербург саммитида давлат раҳбарларининг Декларациясига ҳам имзо чекилиб, унда ШХТ ҳарбий блок ёки ёпиқ алянс эмаслиги, бошқа мамлакат ё давлатлар

⁹⁸ Бобоев А. ШХТ:Ҳамкорликнинг бой тажрибаси ва алоқалар ривожини рағбатлантиришнинг катта имкониятлари // Халқ сўзи №122 (2950), 2002 йил 11 июнь

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи №122 (2950), 2002 йил 11 июнь

гурухига қарши қўйилмагани алоҳида банд билан қайд этилган¹⁰⁰. Бу эса ўз навбатида ШХТ бошқа ташкилотлар ва мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида, халқаро хуқуқ меъёрларига мос ҳолда, кенг кўламли ҳамкорлик қилиши, янги аъзолар ҳисобига сафини кенгайтириши мумкинлигини англатади. Яъни мазкур ташкилот халқаро муносабатлар тизимида демократия, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган ҳолда иш юритади. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзоларининг Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-куватлаши ҳам шубҳасиз мамлакатимизда олиб борилаётган тинчликпарвар сиёсатнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

2003 йил 29 май куни Россиянинг Москва шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Учрашув қатнашчилари ташкилотнинг олдинги саммитларида белгиланган вазифалар ижросини муҳокама этиб, бу борада талай хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтдилар¹⁰¹. Ушбу саммитда Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этган бўлиб, мамлакатимиз биринчи раҳбари саммитда ўз нутқи билан чиқиш қилди. “Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШХТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз. Биргаликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига чиқиш учун зарур хуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз... Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда... Халқаро ҳаётдаги сўнгги воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий, шакллангандек туюлган ёндашув ва услублари хар

¹⁰⁰ Бобоев А. ШХТ: Ҳамкорликнинг бой тажрибаси ва алокалар ривожини рағбатлантиришнинг катта имкониятлари // Халқ сўзи №122 (2950), 2002 йил 11 июнь

¹⁰¹ Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Москва саммити // Халқ сўзи №114 (3226), 2003 йил 30 май

доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва лўнда қилиб айтганда, такомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда... Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли. Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тутган ўрни бекиёс, у шакллангани сари минтақадаги таъсири, шубҳасиз, маттасил кучайиб боради. ШХТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

Биринчидан. Ўйлайманки, блокларга бўлинишлар ва минтақадаги рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самарасизdir.

Иккинчидан. Халқаро террорчилик, радикал, тажоввускор, экстремизм ва айрмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболагасиз, ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Бу ўринда, террорчилик харакатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан. Келажакда ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бугун бир камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиряпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескиллик касб этмоқда. Бу ва бошқа муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажаги учун катта хавф солмоқда. Амнманки, бу масалаларнинг ҳал этилиши ШХТга аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади”¹⁰² – дея таъкидлаган эди Ислом Каримов ўзининг нутқида.

¹⁰²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ғамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқи(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)// Халқ сўзи №115 (3227), 2003 йил 3 июнь

Ўзбекистон бугунги кунда кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо. Аммо мамлакатимиз ва минтақамиз истиқболи учун улардан иккитаси алоҳида аҳамиятга ега. Булар – “Марказий Осиё ҳамкорлиги” (МОҲ) ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ). Ўзбекистон бу икки халқаро ташкилотнинг таъсисчиларидан ва фаол иштирокчиларидан биридир. Ўзбекистон ШХТга биринчи маротаба раислик қилган даврда (2003-2004) ташкилотнинг институционал шаклланиши нуқтаи назаридан муҳим ҳужжатлар: ШХТ хузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом ва ШХТнинг кузатувчилар билан ҳамкорлиги тартиби имзоланди. Натижада 2004 йили Мўгулистан, 2005 йили эса Ҳиндистон, Покистон ҳамда Эрон кузатувчи мамлакат мақомини олди. Бундан ташқари, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши ҳам дикқатга молик воқеа бўлди, у гиёҳвандлик хавфига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди¹⁰³. Тошкент учрашувида кўрилган масалалар орасида ШХТ фаолиятининг икки асосий йўналиши – хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Нафақат ШХТ минтақаси, балки бутун дунёдаги вазиятга таъсир кўрсатиб турган Афғонистондаги вазият ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олган эди. ШХТнинг Тошкент саммити халқаро експертлар томонидан юксак баҳоланланлигини даврий матбуотларда нашр этилган лавҳалардан ҳам билиш мумкин.

Айтиш жоизки, бугунги кунда етук халқаро ташкилотга айланиб, фаолият доирасини кенгайтираётган, ўзи қамраган улкан минтақадаги кўплаб муаммоларни ечишга қодир бўлган ШХТ ҳақли равишда халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда. 2004 йилнинг декабрида ташкилот БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олган бўлса, 2005 йилнинг апрель ойида ШХТ билан АСЕАН ҳамда МДҲ ўртасида ўзоро англашув меморандумлари

¹⁰³ Шодиева Ш. Ўзбекистон ва ШХТ – барқарор тинчлик йўлида // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2017. –Б.

имзолангани маълум. Булар ташкилотнинг халқаро майдонда фаоллиги, жаҳонда у билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бораётганлигидан далолат беради. Шанхай ҳамкорлик ташкилотиниг 2005 йилги Остона саммитида ШХТнинг дадил одимларига юқори баҳо берилиши ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган сиёсий ва иқтисодий вазиятларга мослашувчанлиги ҳам унинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини яна бир карра оширди десак адашмаган бўламиз. Шунингдек, мазкур саммит музокаралари давомида ШХТнинг сиёсий, савдо-иктисодий, ижтимоий салоҳиятини тўла ишга солиш кераклиги, мавжуд имкониятларни аниқ муваффақиятларги айлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмасилганлиги, миллий мувофиқлаштирувчиларга, ташкилот ҳузуридаги кенгашларга аниқ кўрсатмалар берилганлиги, Ҳиндистон, Покистон ва Эроннинг кузатувчи мақомини олиш тўғрисидаги мурожаатларининг қондирилганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим¹⁰⁴. 2006 йил Хитойнинг Шанхай шаҳрида ШХТнинг юбилей саммити бўлиб ўтган эди. Мажлисда сармоявий ҳамкорлик, сув-энергетика захиралари, еости ва ерусти бойликларидан унумли фойдаланиш, коммуникация ва ахборот тизимларини барпо этиш лойиҳалари, автомобиль, темир йўл магистралларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлар билдирилганди. Ўзбекистон биринчи раҳбари томонидан халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан дунё таҳдид ва хавф-хатарлардан халос бўла олмаётганлиги айтиб ўтилди. “Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон “оловли нуқталар”, худудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидлар сақланиб турибди. Афғонистондаги бекарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатдаги халқаро каолиция кучларининг бу иллатларга қарши харакатлари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш тутдирмоқда”¹⁰⁵ – дея бот-бот такрорлади Ислом Каримов. Шу билан бирга,

¹⁰⁴Хавфсизликни мустаҳкамлаш ва тараққиёт омили // Халқ сўзи №130 (3675), 2005 йил 7 июль.

¹⁰⁵Ҳамкорлик ва тараққиётнинг ойдин йўли // Халқ сўзи № 115 (3914), 2006 йил 16 июнь.

Ўзбекистон биринчи раҳбари ушбу саммит ва унинг натижалари икки хуносага олиб келишини қайд этар екан – “Аввало, ушбу саммит ШХТнинг долзарблиги ва нуфузли ташкилотга айланганини кўрсатди, музокаралар ШХТнинг истиқболи порлоқ, ташкилот доирасидаги ҳамкорлик эса катта салоҳиятга эга еканлигини намоён қилди. ШХТнинг келажаги бизнинг саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир”¹⁰⁶ – деган эди. Дарҳақиқат, ташкилотнинг нуфузи ошишида унинг очиқлиги, бошқа давлат ҳамда ташкилотларга қарши қаратилмаганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. ШХТнинг ташқи алоқаларда хавфсизликнинг янги концепциясига, ички ҳамкорлиқда “Шанхай рухи”га таяниб иш тутишиташкилот ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда “Шанхай рухи”га тўхталиб ўтмоқчимиз. Бир неча йил аввал ҳалқаро сиёсатда “Шанхай рухи” деган янги атама муомалага киритилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, маданияти ўртасида муайян фарқлар мавжуд эканлигига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мuloқotлардаги teng ҳуқуқлилик, тараққиётга биргалиқда интилиш ташкилотнинг равнақ топишида муҳим асос бўлиб келмоқда. Бу омилларнинг барчаси “Шанхай рухи”нинг асосий таркибий қисмлариdir. ШХТ саммитларида, ташкилотнинг турли мақомдаги анжуманларида ҳамиша ана шу рух хукм суради десак хато бўлмайди.

ШХТнинг 2007 йилда бўлиб ўтган навбатдаги Бишкек саммитида кўпгина масалалар билан бир қаторда гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама этилган бўлиб, бу йўналишда аъзо мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама алоқаларни энди кўп томонлама ҳамкорликка айлантириш зарурлиги айтиб ўтилди. Бунинг учун, айниқса, маданий ва бадиий жамоаларнинг сафарларини уйуштири, турли фестиваллар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулокотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Президентлар ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни ошириш

¹⁰⁶Ҳамкорлик ва тараққиётнинг ойдин йўли // Халқ сўзи № 115 (3914), 2006 йил 16 июнь.

зарурлигини қайд этар екан, ташкилотга аъзо мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларининг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ШХТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдириши¹⁰⁷. Ушбу мажлисда Ислом Каримов ўз нутқи билан чиқиш қилиб, ШХТ доирасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилганлигига, барча соҳаларда аъзо давлатларнинг салоҳиятини ишга солиш учун пратформа яратилганлигига, хавфсизликка таҳдид, жумладан, афғон муаммоси, шунингдек, Марказий Осиёда сув захираларидан оқилона фойдаланиш масалаларига эътибор қаратди¹⁰⁸.

Ташкилот такомиллаша боргани сари унинг сафидан жой олиш ниятини билдирган давлатлар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Бу еса, ўз навбатида, ШХТнинг интеграция маконини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, унинг халқаро майдондаги фаолият кўламини ошиши учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Навбатдаги саммитга мезбонлик қилиш Тожикистонга насиб этди. Душанбе шахрида бўлиб ўтган мазкур саммитда иштирокчилар турли соҳаларга оид масалалар юзасидан музокаралар олиб бордилар. Маълумки, хавфсизлик муаммоларини ҳал этмай туриб, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириб бўлмайди. Шуни чуқур ва теран англаган ҳолда саммит қатнашчилари Ўзбекистон ҳукумати ташабbusи билан вужудга келган “ШХТ – Афғонистон” мулокот гурухи доирасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Шунингдек, музокаралар давомида Ислом Каримов ШХТ доирасида ҳамкорлик изчил ривожланаётган бўлса-да, аъзо мамлакатларнинг улкан иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, кончилик, энергетика, логистика, транспорт коммуникациялари, социал инфратузилма, савдо ва сайёхлик соҳаларида ишга солинмаган талай имкониятлар мавжуд эканини қайд этди. Мамлакатимиз биринчи раҳбари ўз фикрини давом

¹⁰⁷Бобоев А. ШХТнинг Бишкек саммити // Халқ сўзи №161 (4314), 2007 йил 17 август.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи №161 (4314), 2007 йил 17 август.

эттирад екан, Афғонистондаги бекарор вазиятга тұхталиб, – “Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка әришиш хавфсизликнинг энг мұхим омили бўлиб, бунга әришиш учун, аввало, энг мураккаб ижтимоий ва иқтисодиймуаммоларни ҳал етиш, бу мамлакатдаги кўп миллатли аҳолининг анъанавий диний ва миллий-маданий қадриятлари ҳамда урф-одатларини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш керак” – дея таъкидлади¹⁰⁹.

Россиянинг Екатеринбург шахрита ўтказилган ШХТ саммитида минтақада ва дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. ШХТга аъзо мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий-молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги қўшма саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, жумладан, терроризм, экстремизм, айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси ва бошка турдаги уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиб масалалари мұхокама қилинди. Бу борада Ўзбекистон ҳукумати биринчи раҳбари И.Каримов Афғонистон муаммосини ечишнинг БМТ шафелигидаги янги ҳалқаро механизмини жорий қилишни таклиф этиб, “6+3” (Афғонистонга кўшни олти мамлакат, Россия, АҚШ ва НАТО) мулокот гурухини шакллантириш ташаббусини илгари сурди¹¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда бўлиб ўтган ШХТ саммитига иккинчи бор раислик қилди. Ушбу йигилишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилотнинг ташқи алоқаларини кенгайтириш, кенг минтақадаги тинчликни, осойишталик ва барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича вазифалар мұхокама қилинди. Шунингдек, саммит

¹⁰⁹ШХТнинг навбатдаги саммити // Халқ сўзи №170 (4580), 2008 йил 29 август.

¹¹⁰Иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари мұхокамаси // Халқ сўзи №120 (4783), 2009 йил 17 июнь.

давомида Қирғизистондаги вазият юзасидан фикр алмашилиб, иштирокчилар Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёрликларини билдириллар. Шуни қайд этиш ўринлики, юртимизнинг ташкилотга иккинчи раислиги даврида илм-фан ҳамда техника бўйича ШХТга аъзо давлатлар вазирлик ва идоралари раҳбарлари учрашувининг механизми ишга солинди. Бундан ташқари, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Мамлакатимизнинг бу галги мезбонлиги ҳам жаҳон оммавий ахборот воситаларида юқори эътирофга сазовор бўлди. Биргина “ИнфоШОС” интернет порталининг бош муҳаррири Татьяна Синицинанинг мулоҳазасига кўра, Ўзбекистон раислигининг қиймати, энг аввало, аниқликдадир. “Турлича фикр билдирганлар кўп бўлди, лекин карvon ўз йўлида давом этди. Хусусан, Тошкент декларацияси ҳамкорликнинг хуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилгани билан аҳамиятга эгадир. Бу мазкур ташкилотлар ўртасидаги мулоқотларнинг янада ишончли ва амалийлигини таъминлайди” – дейилади унда¹¹¹. Бундан ташқари йиғилиш чоғида БМТ раҳбарларига қуриб бораётган Орол денгизининг экологик манзарасининг яққол кўрсатилганлиги, фақат ШХТ ва БМТ ҳамкорликдагина бундай экологик муаммоларни ҳал қила олиши мумкинлиги ҳақидаги хабарларни “Новости” ахборот агентлиги веб-сайтида ҳам учратишимииз мумкин. Бир сўз билан айтганда, Тошкент саммити ШХТ ривожланишида яна бир пагонага кўтарилиш босқичи бўлди десак муболаға бўлмайди.

2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида, анъанага кўра, ШХТ давлат раҳбарларининг ўн биринчи кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтган эди. Мажлисда ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. ШХТнинг Бишкек саммитида миллий иқтисодиётларни янада модернизация қилиш,

¹¹¹ШХТнинг Тошкент саммити хорижий эксперталар нигохида // Халф сўзи №115 (5030), 2010 йил 11 июнь.

инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, транспортда ташиш, коммуникациялар, инновацион технологиялар, агросаноат соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилган бўлса, Душанбе саммитида эса турли масалалар билан бир қаторда асосий муҳокама мавзууси хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида бўлди. Ўзбекистон хукумати биринчи раҳбари ҳар галгидек ўз маъruzасида хавфсизликни таъминлаш масаласига чуқур ва атрофлича тўхталар экан, дунёда кечаётган минтақавий ҳамда миллий таҳдидларнинг кучайиб бораётганлиги, энди нафақат Афғонистондаги вазият, балки, Яқин Шарқ муаммолари, Сурия, Ироқ ва Украинада содир бўлаётган хунрезликларга жиддий эътибор қаратиш, уларнинг географик-ҳудудий тарқалишини олдини олиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш вазифаларини кун тартибига кўндаланг қилиб қўйиш зарурлиги борасида нутқ сўзлади¹¹².

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги саммитда қилган раислигини ҳам алоҳида эътироф этиш ўринли, албатта. Чунки мазкур саммит олдингиларига нисбатан ўзгача руҳда ўтди, шу билан бирга, ШХТ ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Мазкур саммит ШХТ фаолиятининг 15 йиллик юбилей саммити бўлиб ўтди. Музокаралар давомида ШХТ фаолиятини меъёрий-хуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни изчил ривожлантириш, шунингдек, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши биргалиқда қурашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи №178 (6108), 2014 йил 13 сентябрь

мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистон ва Яқин Шарқдаги вазият мұхокама қилинди¹¹³.

Хулоса шуки, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги хавфсизлик ва сиёсий муносабатлар халқаро ташкилотлар жумладан ушбу давлатларнинг ҳар иккаласи аъзо бўлган ШХТ доирасида ҳам бир-бирига ишонч ва ҳурмат нуқтаи-назаридан олиб борилмоқда. Муносабатларнинг асосини эса, хавфсизлик, терроризмга қарши кура, коррупция ва уюшган жиноятчиларга қарши кураш, трансмиллий жиноятчилик, қурол-яроғ контрабандаси, гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айлниш қаби масалаларни қамраб олади. бундан ташқари иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, халқларимизни маданий жихатдан муштараклиги, уларни янада яқинлаштириш учун турли тадбир ва лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳам ушбу йўналишдаги муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланиди.

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутки // Халқ сўзи №178 (6108), 2014 йил 13 сентябрь

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг 1992-2003 йилги биринчи босқичдаги муносабатларининг ўзига хос жихатлари ўзаро ҳамкорликнинг синаш босқичи эди дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг дастлабки даври бўлмиш 1991-2000 йиллар оралиғида ҳар икки мамлакат бир-бири билан танишуви, иқтисодий ва савдо муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиши, маҳсулот айрбошлиш, инвестициялар киритиш, шунингдек, ўзаро ишонч каби муносабатларнинг шаклланиш жараёни бўлди. Аста-секинлик билан турли ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўзаро teng, манфаатли ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб борганилигини тарихий далиллар ва рақамлар орқали исботлаш мумкин. Хитой Ўзбекистонда ўз инвестицияларини киритиш, орқали иқтисодиёт учун бозор кенгликларини очган бўлса, Ўзбекистон Хитой тимсолида ривожланишнинг ишончли ҳамкори эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг кўлами кенглиги ва унинг истиқболдаги муаммо ва ечимлари хусусида айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон ва ХХР ўртасида савдо айланмаси йил сайин кўпайиб бормоқда, Шунингдек, икки мамлакат ўртасида энергетика, нефт-газ қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш, экспорт қилиш, тоғ-кон ишлари, радиоактив металларни излаб топиш ва қайта ишлаш, энергетика соҳаси, қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларни етиштириш, хом-ашёни қайта ишлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа қатор соҳалардаги қўшма корхоналар ва инвестицион лойиҳалар кўпайиб икки ўртадаги иқтисодий муносабатлар ривожланиб бормоқда. Келажакда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида транспорт-комуникациялари, автомобил, темир йўл ва ҳаво йиллари каби воситалардан фойдаланишга

ҳаракат қилинаётгани ўзаро манфатли алоқаларни янада ривожланишига замин ҳозирламоқда деб айтишга барча асосларимиз етарли деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ва Хитойнинг маданий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги кенг қамровли бўлиб, уларга спорт, тасвирий санъат, мусиқа, бадий жамоаларнинг ташрифлари, турли фото кўргазмалар, тарихий ва маданий кўргазмалар, кино ва санъат ҳафталиклари, илмий ва маърифий ҳамкорлик кабиларни ташкил этади. Айниқса, буюк ипак йўли ва уни тиклаш бўйича амалга ошириладиган маданий дастурлар ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Маданий алоқаларнинг замонавий кўриниши бўлган туризм соҳаси эса кейинги даврларда тараққий этиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Маданий алоқалар икки халқ ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлайди.

Хулосаўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ва ШҲТ ўртасидаги ҳамкорлик нафакат мамлакатимиз учун, балки ШҲТга аъзо давлатлар учун ҳам ҳар томонлама манфаатли бўлиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида бўлиб ўтган саммитларда Ўзбекистоннинг киритган таклиф ва мулоҳазалариминтақавий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлашда асосли равишда ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда.Хулоса шуки, Ўзбекистон ва XXР ўртасидаги хавфсизлик ва сиёсий муносабатлар халқаро ташкилотлар жумладан ушбу давлатларнинг ҳар иккаласи аъзо бўлган ШҲТ доирасида ҳам бир-бирига ишонч ва ҳурмат нуқтаи-назаридан олиб борилмоқда. Муносабатларнинг асосини эса, хавфсизлик, терроризмга қарши кура, коррупция ва уюшган жиноятчиларга қарши кураш, трансмиллий жиноятчилик. қурол-яроғ контрабандаси, гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айлниш каби масалаларни қамраб олади. бундан ташқари иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, халқларимизни маданий жиҳатдан муштараклиги, уларни янада яқинлаштириш учун турли тадбир ва лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳам ушбу йўналишдаги муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланиди.

Раҳбар адабиётлар

- 1.**Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. - Т. :Ўзбекистон ,1995.-46 б.
- 2.** Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ,1998.-32 б.
- 3.** Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди.(“Независимая газета”(Москва) муҳбиригининг саволларига жавоблар 2005 йил 14 январ).-Т 2005.-64б.
- 4.** Каримов И.А . Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.Ўзбекистон, 2011.-144 б.
- 4.** Каримов И.А.Она юртимиз бахту-иқболи ва буюк келжаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. - Т. :Ўзбекистон,НМИУ,2015.-304
- 5.** Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш -юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг конститутсияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағищланган танътанали маросимдаги маъруза//Халқ сўзи ,2016 йил 8 декабр.
- 6.** Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровондемократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курамиз. Ўзбекистон Республикаси президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ// Халқ сўзи ,2016 йил 15 декабр.
- 7.** Мирзиёев.Ш.М. Танқидий таҳлил ,қатъий тарти-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак/ Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш йил яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидағи маъруза:// Бухоронома.2017 йил 19 январ

8. Мирзиёев Ш.М. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омлидир /Республика байналминал маданий марказнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган юбилей учрашувидаги нутқ //Халқ сўзи,2017 йил 25 январ

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ республикаси ҳукумати ўртасида савдо-иктисодий битм//Халқ сўзи, № 5. (256). 1992 йил, 7 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида “Илмий-техникавий ҳамкорлик тўхрисида” битм//Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 март, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик” ҳақида битим// Халқ сўзи №54 (305) 1992 йил, 20 март, “Ўзбекистон Республикаси ва XXР ҳукуматлари ўртасида автомобил ва сув транспорти соҳаларида ўзаро ҳамкорлик” тўғрисидаги музокаралар протоколи//Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил, 13 март, “Ўзбекистон республикаси фуқаро авиацияси бошқармаси билан Хитой Халқ Республикаси фуқаро авиаацияси бошқармаси ўртасидаги музокаралар протоколи”//Халқ сўзи №54 (305), 1992 йил, 13 март, “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Ўзбек-Хитой комиссиясини тузиш” тўғрисида битим//Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил, 20 март, “Ўзбекистон республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида” протокол // Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил, 20 март, “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ўртасида консультациялар ўтказиш тўғрисида” протокол// Халқ сўзи № 54 (305), 1992 йил 20 март, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой банки ўртасида битм” //Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 март., “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасидаги маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўхрисида” //Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 март., “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасидаги Хитойдан Ўзбекистонга товарлар етказиб бериш юзасидан давлат кредити тўғрисида” битим //Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 март., “Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги-УзА билан Хитой Халқ Республикасининг Синъхуа давлат ахборот агентлиги ўртасида

ахборотлар айрбошлаш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисида” протокол//Халқ сўзи № 57 (308) 1992 йил, 25 март.

3. XXРга ташриф муваффақиятли бўлди//Халқ сўзи №51 (302), 1992 йил, 17 март.
4. Ўзбекистон-Хитой: ўзаро алоқалар ривожланмоқда. //Халқ сўзи №71 (322), 1992 йил, 14 апрель.
5. Хитойликлар ташрифи. //Халқ сўзи №140 (391), 1997 йил, 22 июль.
6. Хитойлик меҳмонлар ташрифи. 1999 йил 2 июнь.
7. Хитойликлар метро қурилишида. //Халқ сўзи №256 (2553), 2000 йил, 20 декабрь.
8. Хитой делегациясини ташрифи //Халқ сўзи №98 (2660) 2001 йил, 19 май.
9. Оқсаройда қабул. //Халқ сўзи №72 (2634) 2001 йил, 12 апрель.
- 10.Исмат Ҳудоёр Мамлакатингизни Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкоримиз деб ҳисоблаймиз (XXРнинг Ўзбекистондаги элчиси Гуанъ Хэнъгуанъ билан сухбат)//Халқ сўзи, №75 (823) 1994 йил, 16 апрель.
- 11.Каримов А. Ҳам азалий, ҳам абадий//Халқ сўзи, №75 (823) 1994 йил, 16 апрель.
- 12.Умаров И. Ўзбекистон-тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакат. (элчи Сунъ Лицзе билан сухбат) //Халқ сўзи, № 52 (5982) 2014 йил, 14 март.
- 13.Ўзекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият ва миллий банки билан Хитой банки ўртасида битим//Халқ сўзи, № 57 (308) 1992 йил, 25 март.
- 14.Ўзбекистон республикаси ҳукумати билан XXР ҳукумати ўртасида Хитойдан Ўзбекистонга товарлар етказиб берш юзасидан давлат кредити тўғрисида битим//Халқ сўзи, № 57 (308) 1992 йил, 25 март.
- 15.Ўзбекитон Республикаси ҳукумати билан XXР ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий битм//Халқ сўзи, № 5 (256) 1992 йил, 7 январь.
- 16.Ўзбекистон республикаси ҳукумати билан XXР ҳукумати ўртасида темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш хақида протокол//Халқ сўзи, № 54 (305) 1992 йил, 20 март.
- 17.XXR давлат кенгаши раҳбари Ли Пэннинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунлари тўғрисида//Халқ сўзи, № 54 (305) 1992 йил, 20 март.
- 18.Ўзбекистон Республикаси ва XXР қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик хақида битим//Халқ сўзи, № 54 (305) 1992 йил, 20 март.
- 19.Мардиев М. Хитойликлар ташрифи//Халқ сўзи, № 140 (391) 1992 йил, 22 июль.
- 20.Собирв А. Хоразм-Хитой помбархати ватани//Халқ сўзи, № 33 (781) 1994 йил, 16 фераль.

- 21.Хитойда якка хўжалик ва хусусий корхоналар//Халқ сўзи, №150 (1931) 1998 йил, 29 июль.
- 22.Абдулаҳад Жўраев. Хитойдаги ўрта ва майда корхоналар//Халқ сўзи, №95 (1876) 1998 йил, 13 май.
- 23.Жалолиддин Сафо. Хитой: очик эшиклар сиёсати туфайли //Халқ сўзи, № 124 (629) 1999 йил, 29 июнь.
- 24.Президент И.А. Каримовнинг Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишлиланган халқаро анжуманда сўзлаган нутқи//Халқ сўзи, №183 (1964) 1998 йил, 10 сентябрь.
- 25.Хужжатлар имзоланди. //Халқ сўзи, №72 (2634) 2001 йил, 12 апрель
- 26.Шодиева Ш. Ўзбекистон ва Хитой ўзоро ҳамкорлиги инсон манфаатлари йўлида. Тарихий хотира – маънавият асоси. Бухоро 2017 й. –Б 94-97.
- 27.Хитойда “Ўзбек ярмаркаси”. //Халқ сўзи, №257 (2554) 2000 йил, 21 декабрь.
- 28.Хитойликлар метро қурилишида //Халқ сўзи, №256 (2553) 2000 йил, 20 декабрь.
- 29.Раҳматов Ў, Дюгай П. Ўзбекистон-XXR: Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугуни ва келажаги буюқдир// Халқ сўзи № 85. (5505), 2012 йил, 2 май.
- 30.Раҳмонов С., Пайдоев Ҳ. Ҳамкорликнинг амалий натижалари//Халқ сўзи № 124 (5544) 2012 йил, 26 июнь.
- 31.Раҳматов Л. Истиқболли қўшма корхона//Халқ сўзи № 101 (3646) 2005 йил, 25 май.
- 32.Раҳматов Ў, Дюгай П. Ўзбекистон-XXR: Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугуни ва келажаги буюқдир// Халқ сўзи № 85. (5505), 2012 йил, 2 май.
- 33.Хитой оммавий ахборот воситалари XXR Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи тўғрисида//Халқ сўзи. № 181 (5855), 2013 йил, 13 сентябрь.
- 34.Ўзбекистон ва хитой ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда//Халқ сўзи № 98 (6028), 2014 йил, 21 май
- 35.Набижон Собир. XXR сармояси ҳисобига: Фарғона шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда тоза сув муаммоси ҳал қилинади//Халқ сўзи, № 100 (36450, 2005 йил, 26 май.
- 36.Умарова И. Ўзбекистон-хитой бизнес форуми//Халқ сўзи № 133 (4286), 2007 йил, 10 июль.
- 37.Усмонова Н. Ўзбекистонда Хитой маданияти қунлари// Халқ сўзи. 118 (3393) – сон, 2004 йил, 4 июнь.
- 38.Усмонова Н. Ўзбекистонда Хитой маданияти қунлари// Халқ сўзи. 118 (3393) – сон, 2004 йил, 4 июнь.
- 39.Ҳайратлар намойиши//Халқ сўзи. 125 (3400) 2004 йил, 15 июнь.

- 40.Муқимов С. Хитой оҳанглари янграйди./Халқ сўзи. 122 (3397)-сон. 2004 йил, 10 июнь.
 - 41.Ўлжабоев Н. Маданий ҳамкорлик истиқболи муҳокамаси./Халқ сўзи. 81 (3880) 2006 йил, 28 апрель.
 - 42.Бўронов Ю. Хитой кино оламига марҳамат./Халқ сўзи 142 (4041)-сон. 2006 йил 25 июль.
 - 43.Ҳайратлар намойиши//Халқ сўзи. 125 (3400) 2004 йил, 15 июнь.
 - 44.Бўронов Ю. Хитой кино оламига марҳамат!//Халқ сўзи № 142 (4041) 2006 йил, 25 июль.
 - 45.Ризаева Ю. Фотоасарларда Хитой манзаралари//Халқ сўзи. 194 (4093)-сон. 2006 йил, 4 октябрь.
 - 46.Файзиев О. “Буюк ипак йўли тинчлик йўлида саёҳат”//Халқ сўзи № 115. (5030), 2010 йил, 11 июнь.
 - 47.Охунова м. Хитойлик мусаввурлар кўргазмаси//Халқ сўзи. № 106 (5526), 2012 йил, 31 май.
 - 48.Ўзбек мусавирларининг асарлари Шанхайдаги Намойиш этилди//Халқ сўзи № 43 (5717), 2013 йил, 2 март.
 - 49.Цзяо Ян. Ўзбекистон кўхна ва бетакрор маданиятга эга мамлакатдир. Жаҳон ахборот агентлиги билан сұхбат//Халқ сўзи, №141 (5815), 2013 йил, 20 июнь.
 - 50.Ўзбекистон бизни мафтун этди//Халқ сўзи, №50 (5217), 2011 йил, 12 март.
-
- 51.Ўзбекистон-“Шанхай форуми” аъзоси // Халқ сўзи №117 (2679), 2001 йил 15 июнь
 - 52.Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилди// Халқ сўзи №118 (2680), 2001 йил 16 июнь
 - 53.Ҳамкорлик орқали хавфсизлик сари// Халқ сўзи №119 (2681), 2001 йил 19 июнь
 - 54.Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилди// Халқ сўзи №118 (2680), 2001 йил 16 июнь
 - 55.Шанхай ҳамкорлик ташкилоти. // Халқ сўзи №119 (2947), 2002 йил, 6 июнь.
 - 56.Бобоев А. Хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида // Халқ сўзи, №128 (3403) 2004 йил, 18 июнь
 - 57.Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилди // Халқ сўзи №128 (3403), 2004 йил, 18 июнь.
 - 58.Донёров С. Минтақавий барқарорлик гарови // Халқ сўзи №129 (3404), 2004 йил 19 июнь
 - 59.Бобоев А. Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик // Халқ сўзи №116 (5031), 2010 йил 12 июнь
 - 60.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи №117 (5032), 2010 йил 14 июнь

61. Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик // Халқ сўзи №116 (5031), 2010 йил 12 июнь
62. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи №117 (5032), 2010 йил 14 июнь
63. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити // Бизнес консультант №2, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси. 2016-йил, 3-4 бетлар.
64. Шодиева Ш. Ўзбекистон ва ШХТ – барқарор тинчлик йўлида // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2017. –Б.
65. Бобоев А. ШХТ: Ҳамкорликнинг бой тажрибаси ва алоқалар ривожини рағбатлантиришнинг катта имкониятлари // Халқ сўзи №122 (2950), 2002 йил 11 июнь
66. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи №122 (2950), 2002 йил 11 июнь
67. Бобоев А. ШХТ: Ҳамкорликнинг бой тажрибаси ва алоқалар ривожини рағбатлантиришнинг катта имкониятлари // Халқ сўзи №122 (2950), 2002 йил 11 июнь
68. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Москва саммити // Халқ сўзи №114 (3226), 2003 йил 30 май
69. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ғамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқи (Москва шахри, 2003 йил 29 май) // Халқ сўзи №115 (3227), 2003 йил 3 июнь
70. Хавфсизликни мустаҳкамлаш ва тараққиёт омили // Халқ сўзи №130 (3675), 2005 йил 7 юль.
71. Ҳамкорлик ва тараққиётнинг ойдин йўли // Халқ сўзи № 115 (3914), 2006 йил 16 июнь.
72. Бобоев А. ШХТнинг Бишкек саммити // Халқ сўзи №161 (4314), 2007 йил 17 август.
73. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи №161 (4314), 2007 йил 17 август
74. ШХТнинг навбатдаги саммити // Халқ сўзи №170 (4580), 2008 йил 29 август.
75. Иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари муҳокамаси // Халқ сўзи №120 (4783), 2009 йил 17 июнь.
76. ШХТнинг Тошкент саммити хорижий эксперталар нигоҳида // Халф сўзи №115 (5030), 2010 йил 11 июнь
77. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи №178 (6108), 2014 йил 13 сентябрь

Интернет маълумотлари

1. Қосимова Н. qalampir.uz/.../ozbekiston-va-hitoyning-25-yillik-diplomatik-muno...
2. "Современные торгово-экономические отношения КНР с центральноазиатскими странами-членами ШОС" Научная библиотека диссертаций и авторефераторов disserCat<http://www.dissercat.com/content/sovremennoye-torgovo-ekonomicheskie-otnosheniya-knr-s-tsentrальноазиатскими-stranami-chlenami-#ixzz51Erdggjl>
3. <https://cyberleninka.ru/.../dissertationnye-issledovaniya-po-tsentral...>
4. xs.uz/.../2324-lookwe-журнали-ўзбекистон---хитой-муносабат...
5. xs.uz/.../2324-lookwe-журнали-ўзбекистон---хитой-муносабат...
6. uza.uz/.../zbekiston-khitoy-strategik-sheriklik-va-d-stlik-munosabat...
7. uza.uz/.../zbekiston-khitoi-strategik-amkorlikning-yangi-uflari-09...
8. uza.uz/.../zbekiston-khitoy-strategik-sheriklik-va-d-stlik-munosabat...
9. http://www.ng.ru/economics/2010-03-04/4_pekin.html
- 10.<http://www2.asiaplus.tj/news/16/21205.html>
- 11.<http://www.dw-world.de/dw/article/0,,5789918,00.html>
- 12.<http://sputniknews-uz.com/society/20170512/5394483/ozbekiston-xitoy-muzokaralari.html>
- 13.<http://sputniknews-uz.com/infographics/20170512/5387097/Ozbekiston-va-Xitoyning-siyosiy-savdo-munosabatlari.html>
- 14.qalampir.uz/.../ozbekiston-va-hitoyning-25-yillik-diplomatik-muno...
- 15.<https://cyberleninka.ru/.../dissertationnye-issledovaniya-po-tsentral...>
- 16.Ўзбекистон–Хитой: ҳамкорликнинг янги босқичи - ҳар томонлама стратегик шериклик. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-khitoy-amkorlikning-yangi-bos-ichi-ar-tomonlama-st-22-06-2016>
- 17.Савкович Е.В.автореферат диссертации по истории, специальность ВАК РФ 07.00.03 диссертация на тему: Политика Китая в Центральной Азии (1992-2012 гг).Cheloveknauka.com/politika-kitaya-v-tsentrальноазиатской-азии